

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ
АБДУЛЛА КОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ
ИНСТИТУТИ
“МАДАНИЯТШУНОСЛИК” МУТАХАССИСЛИГИ
2 – КУРС МАГИСТРАНТИ
ЖАМОЛОВ МУРОДЖОН МИРКАРИМОВИЧНИНГ**

**“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ВА УНИНГ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ
МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ: УНИНГ САЛБИЙ
ОҚИБАТЛАРИ”**

Мутахассислик: 5A10401 Маданиятшунослик мутахассислиги

Д И С С Е Р Т А Ц И Я

Диссертация кўриб чиқилиб
ҳимояга тавсия қилинди

Илмий раҳбар: А. Маврулов

“ ____ ” _____ 2010 йил

Такризчилар:

Тошкент – 2010 йил

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш		-
I Оммавий маданият ва унинг моҳияти		-
I.1. “Оммавий маданият” тушунчаси ва унинг шаклланиши		-
I.2. “Оммавий маданият” кўринишлари ва миллий маданиятга таъсири		-
II Глобаллашув жараёни ва “Оммавий маданият” таҳиди		-
II.1. Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда “Оммавий маданиятга” қарши курашиш усуллари		-
II.2. “Оммавий маданият ва ахборот хавфсизлиги		-
Хулоса		-
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати		-

Кириш:

Ҳозирги кунда зоявий муҳолифларимиз, маънавиятимизга қарши кучлар аҳолимизга, айниқса ёшларимизга нисбатан ахборот хуружлари уюштиришига, “Оммавий маданият” шаклидаги пухта ниқобланган таҳдид ва таъсирлар ўтказишига уринмоқдалар.

И.А.Каримов

XXI аср инсоният олдига қатор умумбашарий муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Инсоният ўз тараққиётида эришган моддий ва маънавий ютуқларига суянган ҳолда, янги, замонавий, демократик, инсонпарварлик, фуқаровий жамият тамоиллари асосида ва барча миллатлар, эллатлар, минтақалар учун адолатли бўлган ва глобализация таъсирида шаклланиши тезлашаётган турмуш тарзини юзага келтириш жараёнига кириб бормоқда.

Республикаимиз Президенти мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги бир қатор анжуманларда сўзлаган нутқларида ҳамда Ўзбекистон “XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китоби орқали мамлакатимиз умуман дунё аҳли юзма-юз келган ва келаётган ижтимоий-сиёсий бўҳронлар тўғрисида фикр билдириб, терроризмнинг чегара билмаслиги, бир мамлакатдаги маънавий инқирозларнинг шу давлат доирасидагина қолиб кетмаслиги тўғрисида бонг уриб, дунё жамоатчилигини огоҳлантирган, барчани огоҳликка чақирган эди.

Бу борада гапириб: “Ҳозирги замондаги энг катта хавф инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мавкуравий курашдир”, - деган эдилар. Бугунги кунда ҳам юртбошимиз қайд этган хавф ва таҳдидлар заррача камайгани йўқ, балки янада янги шаклларда намоён бўлмоқда. Инсоният тарихида маълум бўлган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий таҳдидлар

қаторига эндиликда мавкуравий, маънавий таҳдидлар ҳам қўилганлиги эътироф этилмоқда.

Ёт ғоялар ва демократияни экспорт қилиш, беҳаёликни маданият деб бошқа юртларда тарғиб этиш, санъат дея зўравонликни, фахшни кўрсатиш каби мафкуравий ҳужум шакллари кундан-кунга ортаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳужумларга эса биринчи навбатда ёшлар нишон бўлиб, жамиятимизга нисбатан мавкуравий таҳдид ортмоқда.

Бу борада Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллиги” га бағишганлан тантанали маросимидаги маърузасида ҳам алоҳида эътибор берилиб:

“... маълумки бугунги кунда фарзадларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб масала бўлиб қолмоқда. Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлгимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишига даъват этиши табиийдир.

Шу сабали, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор”¹ бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир.

Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир // Халқ сўзи, 2009 й. 9 декабр.

зарарли таъсирлардан, “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четдан қолмаслиги даркор.²

Магистрлик диссертациясининг долзарблиги. Ўзбекистон шароитида мафкуравий тарбиянинг асосий вазифаси, халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ва айниқса ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир. Чунки, биз яшаётган ХХІ аср-интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср.

Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қийси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса-бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар. Бугун униб-ўсиб келаётган ёшларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришида тўсқинлик қиладиган мафкуравий, маънавий таҳдидлар, уларнинг кўриниши ҳамда оқибатларини илмий асосда ўрганиш, хулосалар бериш муҳимдир.

Магистрлик диссертация ишида маълум бир тавсиялар ва хулосалар берилиб, ёшлар дунёқарашида ғоявий бўшлиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш, уларни турли мафкуравий, маънавий таҳдидлар ва тазйиқлардан асраш мақсадини амалга оширишда қатор вазифалар белгиланди:

- мамлакат ва дунё миқёсида юз бераётган ижтимоий – сиёсий воқеалардан изчил хабардор бўлиб туриш, уларга сиёсий саводхонлик билан баҳо берган ҳолда муносабатда бўлиш ва тарбияланувчиларга тушунтира олиш;

² И.А.Каримов Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. // Халқ сўзи, 2009 й. 9 декабрь

- бугунги кунда ёшларимизга юзланаётган ғоявий тазйиқлар, маънавий таҳдидлар турли сиёсий кучлар, диний оқимлар ва уларнинг моҳияти тўғрисида атрофлича тушунча ҳосил қилиш;

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб алоҳида таъкидлаш мумкинки тадқиқотнинг долзарблиги: “Одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш уларни ўзининг мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашга эришишдир”³.

Магистрлик диссертация ишининг мақсад ва вазифалари. Мафкуравий тарбия жамиятда авваламбор, оила мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини мустаҳкамлаган ҳолда узлуксиз таълим-тарбияни фаолиятини, мафкуравий тарбия борасида аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб олишда таклиф ва тавсиялар берибди. Зеро, мафкуравий мақсадларни кишилар ва айниқса ёшлар онгига сингдириш вазифаси асосан таълим тизими орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида миллий хавфсизликни таъминловчи, маънавий таҳдидларни олдини оловчи ички омил жамиятнинг сиёсий - ижтимоий, ахлоқий ва маънавий салоҳиятидир. Тадқиқотни асосий мақсад ва вазифалари, мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлигини тўла таъминлаш, маънавий таҳдидларни олдини олиш борасида илмий асосланган ижтимоий, сиёсат, ҳуқуқий маданият, жамиятнинг маънавий етуклиги, демократиялашувига узвий равишда амалга ошириладиган ғоявий тарбияни мукаммал олиб боришга ёрдам бериш ва тавсиялар беришдан иборатдир.

³ И.А.Каримов. Асарлар, 8 жилд, 506. бет

Шунингдек, жамият, давлат, шахс мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг таркибий қисми эканлигини кўрсатиб беришдир.

Тадқиқотда, Президентимиз И.А.Каримов асарларидан кенг фойдаланган ҳолда, эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар, уларнинг мақсад ва моҳиятига катта эътибор берилган. Чунки, мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслик, шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдонидан бизга бегона, орзу интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар ўрин эгаллаш мумкинлиги асосли далиллар орқали ёритиб берилади.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги. Президентимиз И.А. Каримов мавкуравий таҳдидларни бартараф этишдаги асосий омилларга тўхталар экан, ҳар қандай таҳдид ёки таҳлика олдида ваҳимага тушмасдан, ана шу кураш ва синовларга доимо тайёр туришга, огоҳ ва сергак бўлишга даъват этади: “....ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлининг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди”. У жамиятдаги фикрлар хилма хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларига, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб, илмий тадқиқотнинг янгилиги, турли мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун ёшларимизнинг иймон эътиқодини, иродасини мустаҳкамлаш, уларни мустақил фикрловчи баркамол авлод, инсонлар этиб тарбиялаш, уларда ота-оналарнинг муқаддас қадриятларини асраб авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш зарурлиги борасида аниқ тавсиялар қайд этилганлигидир.

Мавкуравий глобаллашув савияси паст, аудио ва видеокасеталар, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузликни тарғиб қиладиган “санъат асарлари” нинг тез тарқалишига, ёшларимизнинг онгини заҳарлашга уринмоқда.

Ушбу тадқиқот ишининг илмий янгилиги: ғоявий-мафкуравий тазйиқ ва тажоввузларнинг олдини олиш учун ҳар бир миллат, давлат ўзининг ғоявий - мафкуравий даҳлсизлигини таъминлайдиган чора тадбирларни кўриши зарурлигини инобатга олиб, кучли халқ иродасини ўзида акс эттирган, ёшларни турли мафкуравий тақдирлардан ҳимоя қила оладиган тадбирлар режалари ишлаб чиқиши ва уларни ҳаётга тадбиқ қилиш борасида тавсиялар берилган, илмий хулосалар баён қилинган.

Магистрлик диссертация ишининг назарий ва амалий аҳамияти. “Мафкуравий таъсир ва таҳдидлар” ҳақида гап кетар экан, уларни аниқлаш, баҳолаш хусусиятларини яққол кўрсатиш учун Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов томонидан илмий муомалага бир қатор тушунчалар киритилган ва бу тушунчалар битирув-малакавий ишида таҳлил қилиб берилган. Булар “мафкуравий иммунитет”, мафкуравий профилактика . ана шу тушунчалар моҳияти очиб берилши билан ҳозирги дунёда кечаётган жараёнларнинг характерини янада яққолроқ тасаввур қилиш борасида алоҳида таклиф берилгандир.

Ёшлар дунёқарашида ғоявий бўшлиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш уларни турли мафкуравий таҳдид ва тазийқлардан асраш мақсадини амалга оширишда қатор таклиф ва мулоҳазалар берилганлиги тадқиқотнинг бугунги кун учун ниҳоятда долзарб масалага қаратилганлигини билдиради.

○ Ёшларимизга берилаётган ҳар бир билим ва янги маълумотларни асл моҳиятини чуқур изохлаб берган ҳолда, уларнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш.

○ Ўзбек халқи тарихи, эътиқоди, урф-одатлари, миллий ўзига хослиги билан боғлиқ лавҳа, ифодаларни назаридан таҳлилга торта билиш.

○ Ўтилаётган дарслар жараёнида мустақил ҳамда синфдан ташқари ўқишга тавсия этилган асарлардаги ёшларимизга таҳдид солаётган ёт мафкуралар, зарарли ғояларни инкор этадиган уларга зарба бера оладиган

қарашларни илғай олиш ва юксак педагогик маҳорат, илғор усуллар воситасида тарбияланувчилар онгига сингдириш;

○ Мазкур мақсадларни амалга оширишда талаба-ёшлар руҳиятга ҳис туйғуларига таъсир кўрсатган ҳолда ёт ғоялар, мафкуралар ва маънавий таҳдидларга нисбатан нигилистик муносабатни уйғота оладиган метод ва шаклларни излаб топиш;

○ Ҳар бир ўтилаётган дарс ва машғулотларни ғоялар, фикрлар тарғиботига айлантириб, ёшларни машғулотлардан безитмаслик, балки мукаммал таҳлиллар, шарҳлар орқали онгни забт этиш йўлидан бориш;

Ўрганилаётган мавзунини ҳаётийлиги ва назарий аҳамияти шундан иборатки, биз мафкуравий кураш, инфор­мацион хуружлар, маънавий таҳдидлар даврида яшайпмиз, иш­лайпмиз. Шу боис, билим, ғоя, барча ўқити­лаётган мавзуларни ҳаёт билан боғлаш, далилий исботлар билан тушунтирилиши лозим.

Юқоридаги фикрларни инобатга олиб мафкуравий тарбияда “Ватанпарварлик тушунчасини кенг­роқ тушунтириш ва тушуниш тақоза этилади”

Шу сабабли мафкуравий тарбиянинг асосий мақсадидан келиб чиқиб, мафкуралар курашига оид “мафкуравий кураш”, “мафкуравий қарши туриш”, “инфор­мацион хуруж”, “мафкуравий диверсия”, “мафкуравий инфильтрация”, “мафкуравий кўп­орувчилик” каби тушунчалар маъносини ёшлар билишлари керак.

Худди шунингдек, Ўзбекистон халқи мафкуравий иммунитетнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи “мафкуравий оогоҳлик”, “мафкуравий ҳушёрлик”, “мафкуравий курашчанлик”, “мафкуравий эътиқод”, “мафкуравий сафарбарлик”, “мафкуравий муносабат” ва ҳақозо тушунчалар тадқиқот ишида муҳокама қилинган.

Бугун масофалар қисқараётган, муносабатлар яқин­лашаётган маданиятлар муш­тараклашаётган замон тили билан айтганда ҳамма нарса

“глобаллашаётган” бир даврда яшаб турибмиз. Иқтисод ва сиёсатнинг глобаллашуви маданиятлар глобаллашувига сабаб бўлмоқда.

Дунё халқлари ўртасидаги кенг интеграцион алоқаларга, ҳамкорликка қурилаётган ҳозирги даврда турмуш тарзи глобал муносабатлар таъсиридан чеккада қололмайди. Глобал жараёнлар моҳиятга кўра, халқларни яқинлаштириши, инсоннинг ҳаёт тарзига умуминсоний манфаатлар нуқтаи назаридан таъсир этишнинг омилига айланмоқда.

Магистрлик диссертацияси мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, глобаллашув ва интеграция жараёнида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсонлар ҳаётини тубдан ўзгартириб юбораётганлиги, глобаллашув тариқасида турли кириб келаётган кинофильмлар, видеоклиплар, миссеонерлик ҳараатларини ёшлар маънавиятга таъсири кучайиб бораётганлиги аниқ мисоллар билан баён қилиб берилган.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши. Тадқиқот иши кириш, 2 та боб, 4 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I- боб. Оммавий маданият ва унинг моҳияти

1.1 “Оммавий маданият” тушунчаси ва унинг шаклланиши;

“Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бу масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни коммунистик мавкура ва ахлоқ нормаларидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий-ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган оммавий маданият ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак”.

И.А.Каримов

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари XX асрнинг охири XXI аср бошларида бутун инсоният, ер юзидаги барча халқлар ва миллатлар тараққиёти учун, айниқса ёш авлод учун мисли қўрилмаган имкониятлар яратиб берганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бу борада фан ва техниканинг илғор ютуқлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб, ўзлари ҳамкорлик ва интеграция ривожига сўзсиз катта ҳисса қўшаётганига бугун барчамиз гувоҳи бўлмоқдамиз.

Лекин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, одамзот тафаккурининг юксак ва ёрқин намоёни бўлган бундай ютуқлар айти пайтда катта куч-қувват ва молиявий имкониятларга эга бўлган айрим сиёсий кучларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишда мафкуравий қурол сифатида ишланаётганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Одамларнинг, биринчи навбатда ёшларнинг онгу-тафаккурини, маънавий оламини издан чиқаришга қаратилган.

Бундай уринишларнинг асл моҳияти, уларнинг узоқ ва давомли салбий оқибатларини англаш ва бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш бугунги кунда ўта муҳим аҳамият касб этиб бормокда.

Хар томонлама чуқур ўйланган молиявий ва моддий манбаларга эга бўлган бундай ҳаракатларнинг ортида қандай мақсадлар турибди, улар учун бу қадар кўп куч ва маблағ сарфланаётганини қандай изоҳлаш мумкин. Шу боис “Оммавий маданият” деб аталаётган оломончилик балоси хуруж қилаётганини ҳали-хамон англаб етмаётган, ҳаётимизда бу офатнинг илк кўринишлари намоён бўлаётганини сезмаётган одамлар орамизда йўқ эмас. Холбуки, яқин-йироқ юртларда “Оммавий маданият” га ёппасига эргашишдан келиб чиқаётган фожиали оқибатларни кўриб турган бўлсакда, гўё у бизни четлаб ўтаётгандек лоқайлдик, бепарволик холатидамиз.

Хўш “Оммавий маданият” нимаси билан хатарли?

“Оммавий маданият – кўп ҳажмда саноат усулида ишлаб чиқариладиган маданият элементларининг умумжаҳон эҳтиёжларини қондирувчи мажмуидир. Бугунги замонавий фан “Оммавий маданият”нинг (инглизча-mass culture) туб замирида тижорат, моддий манфаатдорлик борлигини эътироф этади. Бу турмуш тарзимизга оммавий ахборот-воситалари ва бошқа воситалар орқали тарғиб-ташвиқ қилинади, тарқатилади, амалга оширилади. Оммавий маданият мазмунини замонавий саноат ишлаб чиқарилиши, кино-телевидения, китоблар, газеталар, журналлар, спорт, туризм ва бошқалар ташкил этади. У маҳсулотларни истеъмол қилиш-оммавий истеъмолдир, чунки мазкур маданиятни истеъмол қиладиган аудитория-катта заллар, стадионлар, киноэкран, телевидения ишқибозларидан иборат бўлган оммавий аудиториядир.

Бугунги кунда кўпчилик ёшлар одобни, кийиниш, муомала маданиятини асосан оммавий маданият орқали олишади. Бунинг реклама ҳам хизмат қилади.

Мисол учун: урф бўлаётган янги йўналишдаги кўшиқчилик, турли муסיқий шоулар, кассабоп фильмлар фойда кўриш, бойлик орттиришга хизмат қилиш билан бирга ёшлар тарбиясига таъсир қилмоқда. Бу эса “Оммавий маданият”нинг кенг қулоч очишига замин ҳозирлаяпти. “Оммавий маданият” намоёндалари жамият аъзолари дидини белгиловчи маълум бир андозаларни шакллантиришяптики, бир қарашда бу зарарсиз, ҳатто ёқимли бўлиб туюляпти. Бу – айнан янги жамият бунёдкорлари ёшларни ўз домига тортибгина қолмасдан, уларни мазкур маданият тарғиботчиларига айлантириб қўяётганлиги билан хатарлидир.

Бу борада Прзидентимиз И.А.Каримов шундай дейдилар: “Ҳозирги кунда ғоявий муҳолифларимиз, маънавиятимизга қарши кучлар аҳолимизга, йникса ёшларимизга нисбатан ахборот хуружлари уюштиришга, “Оммавий маданият” шаклидаги пухта ниқобланган таҳдид ва таъсирлар ўткашизга уринмоқда.”⁴

Ўтган асрнинг 50- йилларига келиб, кишилиқ ҳаётини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиш мушкуллашди. Тарғиботнинг янги воситалари орқали мустамлакачилик сиёсатининг шаклу-шамойилини тубдан ўзгартириб, халқларни тобе қилиш, янги-янги ҳудудларда ҳукмронлик ўрнатишдаги муддаоларини амалга оширишга уринмоқдалар.

“Оммавий маданият”нинг салбий жиҳати шундаки, у одамзоднинг эркин фикрлашига тиш-тирноғи билан қарши. Бир қарашда у “оммавий маданият” ҳурфикрлик, инсон эрки тарафдоридек кўринади, лекин барча соҳаларда унинг илму-амалининг негизига эътибор берилса, инсоннинг фикрлашига, тафаккур қилишига зид экани аён бўлади. Энг аввало “оммавий маданият” шахснинг ижтимоийлашувига имкон бермайди. Аксинча, ён – атрофида рўй бераётган воқеа-жараёнларга лоқайд, юрт тақдирига мутлақо бефарқ авлодни

⁴ И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т., 2008.-46 б.

шакллантиради, умуман, жамиятда бепарволик кайфияти ҳукм суришига хизмат қиладиган ҳар қандай ҳатти ҳаракатни рағбатлантиради.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Халқимиз оққуёнғил, содда ва ишонувчан, матбуотда босилган, телевидениядан, радиодан айтилган гапларга ишонч билан қарайди. Четдан туриб бизга қарши олиб бораётган инфор­мацион марказлар ҳали шундан фойдаланиб қолишга уринади.”⁵

Президентимиз ҳар гал ўз асарларида бу хатарга қарши курашнинг мустаҳкам механизмини шакллантириш лозимлиги ҳақида фикр билдирар экан, “оммавий маданият” ниқобидаги тушунчалар билан умуминсоний қадриятлар ўртасдаги тафовутни илғаш мумкинлигини таъкидлайди. “Оммавий маданият” жамиятнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини, бир сўз билан айтганда миллий-маиший ҳаётни зимдантаъқиб қилиб боради. Ҳатто миллий, диний тарбиядан, урф-одатлардан бегоналашиш, уларни менсимасликка даъват қилиш ҳоллари ҳам кузатилаётгани тавишлидир. Бундан манфат изловчи турли ёт кучлар қурбонига айланиб боради.

Бу иллатга қарши қандай кураш усуллари борлиги ҳусусида фикр юритсак, бу масалага ечим сифатида албатта тарбия миллий бўлиши, ёшларни миллий ғоя ассосида вояга етказиш лозим, деб таъкидлаган бўлар эдик.

Дунёдаги ҳар бир халқнинг ўзига хос анъаналари, урф-одатлари миллий қадриятлари бор. Муайян заминда куртак очиб, неча юз йиллар давомида шаклланган ва сайқал топган маънавий мезонлар шу миллатнинг, шу халқнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган техника ва технология, глобаллашув жараёнларида бундай бойликнинг моҳиятини янада чуқурроқ англаш долзарб аҳамият касб этади. Бугун кескин тус олаётган “оммавий маданият” ҳам маънавий таҳдидлардан биридир.

Замонавийлик, тезкор тараққиёт билан ҳамқадам бўлиш ёшларимизнинг ҳаёт тарзига айланиб бормоқда. Албатта, бу қувонарли ҳол. Чунки бир нечта

⁵ И.Каримов “Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш”.-Т.: Ўзбекистон, 2009 й.-13 бет

тилда бемалол сўзлаша олиш, инт ернет оламига кириб дунё янгиликларидан бохабар бўлиш имкониятининг мавжудлиги уларнинг билими, дунёқараши кенгаётганидан дарак беради. Бироқ глобаллашув жараёнларида турли ғоялар кураши, ахборот хуружлари, мавкуравий тазйиқлар тобора авж олаётгани сир эмас. Бугун арзимасдек туюлган кичик хабар ҳам ҳам одамларнинг, айниқса ёшларнинг ҳаётини ўзгартиришга қодир куч бўлиши мумкин.

Айни пайтда дунёда демократия ва эркинлик, ошкораликнинг “ягона ва стандарт”ини зўр бериб тарғиб қилаётган бузғунча кучлар инсонлар онгига таъсир кўрсатишнинг турли йўлларида фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. “Оммавий маданият” ана шу йўлда жуда муҳим вазифани - инсон маънавиятини йўқотиш орқали уни бўйсундиришга хизмат қилади. Уларнинг фикрича, ҳар бир миллат, мамлакатнинг миллий маданияти, маънавияти ва кадриятлари “эскилик сарқити” бўлиб, улар “кўз - кўз” қилаётган “маданият” эса инсон ҳуқуқларини чекламайдиган, ҳар ким эркинлигидан бемалол фойдаланишга асосланган эмиш.

Шу ўринда бобокалонимиз Алишер Навоийнинг қуйидаги сатрлари ёдга тушади:

Олдиға қўйганни емак ҳайвон иши,

Оғзига келганни демак нодонни иши.

Бу сўзларни чуқур таҳлил қилсак, ҳар бир нарсага эркинлик берадиган “оммавий маданият” никобининг тагига асл мақсад яққол кўринади.

Аслида “оммавий маданият” соясида кириб келаётган ахлоқсизлик, беҳаёлик зўравонлик ва бузуқлик каби иллатлар дунёдаги ҳеч бир халқнинг миллий маданиятига ҳам, умумбашарий кадриятларга ҳам тўғри келмайди. Хусусан, бизнинг заминимизда туғилиб ўсган, жаҳон маданияти ва цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Бурхониддин Марғилоний, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз қолдирган мерос бугун ҳам долзарблигини

йўқотгани йўқ. Халқимизнинг гўзал маънавий қадриятларга йўғрилган ор - номус, уят ва андиша шарму ҳаё каби тушунчалари ҳаётимизга сингиб кетган. Айниқса, ота - онага ҳурмат, аёлга эҳтиром, мардлик ва жасурлик сингари туйғуларимиз бутун дунё халқларини ром этиб келади.

Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Шу боис “оммавий маданият” таҳдидига қарши тура олиш тобора долзарб аҳамият касб этаётир. Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида бу масалага тўхталиб, ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, исон ҳаёти, оила ва муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда, дея алоҳида таъкидлайди.

Бугун турли йўллар билан, ҳар хил “эзгу” ниқоблар остида “оммавий маданият” мамлакатимизга ҳам таҳдид солаётгани сир эмас. Айниқса, жангари фильмлар, ёшларни соатлаб ўтиришга “мажбур” қилаётган компьютер ўйинлари бетўхтов ёвузликни тарғиб этса, боласининг отаси кимлигини билмасдан боши қотиб ДНК текширувини ўтказмоқчи бўлган хонимлар ҳақидаги сериаллар, интернет оламида аёл ва эркакларга лаззатланиш ҳақида берилаётган “энг яхши маслаҳатлар” фахш ҳамда бузуқлик кўчвсм сари чорлайди.

Бунинг устига эстрада санъатига кириб келаётган айрим йўналишлар ва қўшиқлар, клиплар, яратилаётган кинофильмлар, реклама роликларида тарғиб этилаётган турлича кийиниш ва сўзлашув “маданияти”, уман ҳаёт тарзимизга тўғри келмайдиган ҳолатларга йўл қўйилаётгани ачинарлидир.

“Оммавий маданият кириб келмайди. Аввало жуда кичик деталлар, арзимас воқеалар орқали одамларни ўзига ўргатади, кўниктиради: Ана шунда 3-4 ёшдаги фарзандимиз реппер бўлиб куйласа ҳам, ўғлимиз қулоғига зирак тақиб, қизимиз йиртиқ шимни кийганида ҳам “замона зайли” дея бепарво бўламиз. Қолаверса, фарзандимизнинг замонавийлигидан қувонамиз.

Минтақамиздаги давлатлардан бирида қандайдир нодавлат ташкилотининг гранти “беғараз” кўмаги асосида мактаб ўқувчилари учун кўп минг нусхада дарслик чоп этади. Бир қарашда бу хайрли тадбир эзгуликни, ёшларнинг билим олишини кўзлаб амалга оширилгандек. Лекин дарсликнинг ичига киритилган айрим саҳифалар, турли хулосаю тавсиялар, эркинлик ва демократия тўғрисидаги ёндашувлар мурғак ёшлар онгига бузғунчи ғояларни пинҳона киритшга қаратилган китоб тарқалиб бўлгандан кейингина аниқланди.

“Оммавий маданият”ни тарғиб қилаётган ғаразли кучларга аслида ҳеч қандай маданият ва инсон маънавияти, ахлоқий қоидаю қадриятларнинг асло кераги йўқ. Уларнинг стратегик режа ва сиёсий мақсадларига эришиш, айрим мамлакатларнинг ер ости, ер усти бойликларига эга бўлиш, ўз измига солиш учун бу бир восита, холос. Бир сўз билан айтганда ҳамма нарсага эркинлик нуқтаи назаридан қарайдиган “оммавий маданият”нинг асосий мақсади – одамнинг иродасини сусайтириш, ўзининг ҳаётига, атрофидаги одамларга қарши қўйиш ва охир оқибатда эркинлигидан жудо қилишдир.

Президентимиз И.А.Каримов шу йил 9 май Хотира ва қадрлаш кунида журналистлар билан суҳбатда қўшни Афғонистондаги вазият ҳақида фикр билдираётган экан. Афғонистон халқини, унинг тарихини, маданиятини, диний-миллий қадриятларини топташ эмас, аксинча, ҳурмат қилиш йўли билангина турли миллат ва эллатларни бир-бирига яқинлаштириш, у ерда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Ушбу фикрнинг ўзиёқ халқнинг маънавиятини менсимаслик, “оммавий маданият”ни кенг ёйиш қанчалик аянчли оқибатларни келтириб чиқариш мумкинлигини исботлайди.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда барпо этилаётган ҳуқуқий ва демократик жамият қуриш йўли бугун ўзини тўла оқламоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, фикрлар ранг-баранглиги, ҳар бир халқнинг анъана ва

қадриятларига эҳтиром кўрсатиш жамиятимизнинг энг муҳим тамойиллари этиб белгиланган.

“Оммавий маданият” Ғарб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Уни Ғарбда “популяр” ёки қисқартирилган ҳолда “поп-культура” (яъни “оммавий маданият”) деб аташади. Гарчи “маданият” деб аталса-да, аслида, туб мазмун-маъносига, мақсад-ниятига кўра “оммавий маданият” чинакам маданиятнинг кушандасидир.

Мутахассислар (файласуф ва социолог олимлар)нинг фикрича, ҳали илм-фанда “антикультура” (“ғайримаданият” деган илмий тушунча шаклланмаслиги учун “Поп (оммавий) маданият” тушунчаси, ночорликдан қўлланилмоқда. Чунки, “оммавий маданият” шу боисдан, энг аввало, юксак маънавийатсизлик ва ахлоқсизлик синонимидир. “Оммавий маданият” шу боисдан, энг аввало, юксак истеъдод ва ўлмас маънавий-ахлоқий ғоялар байроқдори бўлган мумтоз маданиятга, санъатга, унинг бойликларига қарши тиш-тирноғи билан курашиб, уни инкор этиб келяпти. Ғарб дунёсининг ўзидаги файласуфлар, социолог олимлар, “Бизга “Тўққизинчи симфония” (Бетховен) керак эмас!” ёки “Мона Лиза”ни лойга қориштирамиз!

Каби жаҳолатпарастликка асосланган хитоблар “оммавий маданият” тарафдорлари ва мухлисларининг дастурий қарашлари негизини ташкил этади, деб ёзадилар.

Таасуфли жиҳати шундаки, гоҳида ғоятда истеъдодли инсонлар ҳам “оммавий маданият”

Тарғиботчиларининг кутқусига учраб, унинг тегирмонига сув қўймоқда. Масалан, рассом Салвадор Дали Леонардо ла Винчининг “Мона Лиза” (“Жаконда”) асарини кулги қилиб, Мона лиза лаблари устига муйлов чизган ва “Муйловли Жаконда” асарини яратган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мана шундай “аччиқ истеҳзоли, қора мазмунли кулги”- “оммавий маданият” фаолиятининг энг етакчи белгиларидан биридир. “Оммавий маданият”

намоёндалари қора, захарханда, беҳаё кулгуни “исён ифодаси” деб билишади. “Нимага қарши исён” деган савол туғилади. Агар “поп-маданият” дунёга “эхсон” этаётган “поп-арт” (“тасвирий санъат” деса ҳам бўлади), “поп натижаларига қараб ҳукм юритадиган бўлсак, улар инсоният яратган барча қадриятларни исёнкорлик инкор этади: юксак маданиятни, маънавиятни, ахлоқни, юксак орзу-мақсадларни менсимайди... улар учун эзгуликнинг ўзи йўқ. Жумладан, санъат-алоҳида истеъдодлар томонидан яратиладиган маънавий бойлик, мўъжиза эканлиги каби ижоднинг олий мезонлари “поп-маданият” тарафдорларининг ўта даражада ғашини келтиради. Уларча, ҳамма санъаткор бўлиши мумкин. Ҳамма нарса санъат аталиши мумкин. “Поп-арт” - “оммавий санъат шу хулоса манбаида вужудга келган”.

Чунончи “оммавий маданият” намояндаларидан бири Карл маннинг фикрича, атроф-борликда, маиший ҳаётда мавжуд барча нарсалар (масалан, консерва банкалари, синиқ тиш чўткалари, машина, водопровод кабиларнинг занглаган бўлаклари, турли суратлар, журнал-газета қийқимлари ҳам) ҳаёт бағридан алоҳида ажратилиб, уларга муайян тартиб берилиб, одамлар назарига тутилса, бу оддий чиқиндилар археологик қазилмалар чоғида топилган қадимги юнонлар даврига хос осори атиқалардай ўзгача аҳамият касб этиб, “санъат, маданият намуналари” қаторидан ўрин олар эмиш.

“Поп-арт”чиларинг дастурий қараши шундайки, улар инсонни эмас, аксинча, нарсалар ва буюмларни эъзозлашади; маънавий дунёни эмас, маиший-истеъмолчилик ҳис-туйғуларини қадирлайдилар ва уларни кенг оммалаштиришга интилар. Уларнинг маънавий позицияси-маънавиятни ўлдириш ва “нарсаларга қуллик”ни рағбатлантиришдир. Американинг таниқли адиби Р.Бредбери айтганидек, “оммавий маданият” мактабидан ўтган авлод учун ҳаётнинг маъноси-автомобил, телевизор, музлаткичга эга бўлиш. Агар телевизор иккита бўлса уларга шунча яхши.

“Оммавий маданият”да “Поп”(оммавий)-музика алоҳида ўрин тутди. “Поп-музика”ни “Янги рок” белгилайди. “Янги рок”, таъбир жоиз бўлса, кучайтирилган ритмик тузилмали музикадир. Яъни жазавади ритм, зарб, шовқин ушбу музиканинг кифасидир. Бу музика тинглашга, қалбдан ҳузурланишга эмас, балки вужуд ҳаракатига, талваса рақсга йўналтирилган. “оммавий маданият”даги техник-ижро воситалари музика имкониятларини ниҳоятда торайтирмоқда, полифонизм-музикаий садолар бойлиги ва ранг-баранглигини йўққа чиқармоқда.

Умуман айтганда “поп-музика” ижрочилиги кўнгилоҷар музика ниқоби оситида оммавий васвасали, шайтоний талвасали, бадахлоқ рақслар, кўпинча охири жанжал, ур-йикит, ваҳшийликларга бориб етадиган агрессив дискотека шоуларини уюштириш билан ажралиб туради. 1970 йилда Калифорниянинг Алтамоне шаҳрида бўлган музика фестивалида ўзини “поп-музика” қироли ҳисоблайдиган “Роллинг Стоун” (“Айланаётган тош” гуруҳи концерти ана шундай ур-йикитлар билан тугаб, полиция бу можаро оқибатлари билан узок муддат шуғулланишига тўғри келган эди “Поп-музика” намояндалари ўз “оммавий”ликларини таъкидлаш учун сахнадаги ҳатти-ҳаракатлари ва кийим-либослари намоишида ҳам одоб-ахлоқ, жамиятга эҳтиром туйғуларини рад этиб-асосан кўча, оломончилик қонун-қоидаларига амал қиладилар. Ва ўзларининг кулгули даражада ажралиб турадиган шундай рафторларидан фахрланадилар. Афсусланарли томони шундаки, бундай ҳолатларни “поп музика)чилар санъатдаги демократизмнинг, халқчилликнинг тантанаси, деб билишади.

Аслида уларнинг сахнада ўзларини безорилардай тутиши санъатни ва санъаткорликни ерга уради. Бу эса ҳайрон қоларли эмас: чунки асл санъатни ерга уриш- “Оммавий маданият”нинг дастурий, яъни ўз олдига мақсад қилиб қўйган вазифаларидан биридир.

“Поп-музыка” намояндалари ижро этадиган кўшиқ матнлари эса, аввало, шеърятнинг оддий талабларига жавоб бермайди ёки улар кўпроқ кўчада мавжуд беҳаё, жаргон ибораларга-қадриятларни, инсоний эзгуликларини киноя, мазах қиладиган сўзларга асосланган. Хуллас, эркинлик, демократия “намуналари” деб тавсия этилаётган “поп-музыка” матнлари билан ҳақиқий шеърят ҳамда асл халқчил дид, соғлом руҳият, маъвият ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

1964 йилда АҚШда Т.Сазерн ва М.Хоффенберг деган икки муаллиф ҳамкорликда ёзишган “Кенди (“Асал қиз”)” номли романнини нашрдан чиқаришди. Кейинчалик бу китоб қайта ва қайта, катта миқдорларда америкалик китобхонларга тақдим этилди. Ушбу роман асосида яратилган кинофильм кинотомоша бозорида кенг тарқалди. “Кенди” қаҳрамони, “Асал қиз” деб таърифлаган жувон дуч келган одам билан тўшакда айш –ишрат қилишдан чарчамайди. Унинг ишқибозлари-турли диний ва сиёсий қарашли шахслардир. “Кенди” романи Америка адабиётида шаклланган ва кенг тарқалган романтик табиатли, ширин ва гўзал ўй –хаёлларга берилувчан қизлар тимсолини кескин хажв қилади. Уларнинг устидан кулади. Бадий маҳорат талабларидан анча пастда турадиган, аммао “кўнгилочар”лик мавзуи мухлисларини ошуфта этган бу китобда АҚШ адабиётшунослари: “Маданий таназзулда олдинга қараб қўйилган улкан қадам”, дея киноя билан баҳо беришди.

Худди шу китоб билан айна бир вақтда АҚШда Жон Речи исмли ёзувчининг “Тунги шаҳар” номли романи чоп этилди. Китоб саҳифаларида шаҳардаги т.кн-жиноятлар базмига айланади, инсон шахси ва унинг қадри эса мис чақага ҳам арзимади. Бу роман “тубанлик ва қабоҳат-инсон табиатини белгиловчи ҳақиқатдир”, деган ғояни тасдиқлаш учун битилган.

Биз нега бу икки романни эсладик? Айнан, ана шу китоблар ва улар асосида яратилган фильмлар-ғарбдаги “оммавий маданият” нинг адабиётдаги,

телевидения ва кинодаги йўлини белгилаб берди. Интим муносиватлар, шаҳватпарастлик, зўравонлик, худбинлик, “Ким кучли бўлса-ўша ҳақ” деган чангалзорлар қонунини поэтиклаштириш АҚШ ва Европа “оммавий маданият” ида мана шундай асарлар таъсирида кенг оммалашади. Агар айрим Ғарб давлатларида эркак билан эркак, аёл билан аёл ўртасида никоҳ-хайратланарли ҳодиса бўлмай қолаётганлиги назарда тутилса, “оммавий маданият” тарғиб этаётган маънавий тубанликлар, беҳаёликлар, қабоҳатлар нақадар чуқурлашиб кетганлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Шу ўринда бир изох: “поп (оммавий) маданият”нинг намоёндалари ва тарғиботчилари “поп-адабиёт”ни унчалик тан олишмайди. Уларнинг фикрича “адабиёт-бу сўз санъати” дегани. “Поп (оммавий) маданият” эса санъатга, жумладан, “сўз санъатига қарши. Аниқроғи, “санъатсиз сўз”, яъни ёввойи, дағал, тарбия, ахлоқни хуш кўрмайдиган кўча сўзлари“га мойил. Бироқ, улар хохламайдими-йўқми, айнан Ғарб оламида бемаза қовуннинг уруғидай кўпайиб, томир отаётган “оммавий маданият” таъсирида “Поп (оммавий) адабиёт” ҳам туғилипти. Ва бу “адабиёт” “оммавий маданият”нинг тубан ғоялари тарғиботига хизмат қилмоқда.

“Оммавий маданият” кўпдан-кўп шаклларда ўзини намоён этади. Китч (зарра бадиий-эстетик қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш), комикс (тагига қисқа матн ёки луқмалар битилган беҳаё матбаа-расм маҳсулотлари), старизм (субъектив эҳтиросларга берилган ҳолда, эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар, теледикторларни илоҳийлаштириш), хеппининг (аввалдан режалаштирилмаган, ногаҳонда уюштириладиган “кескин” томошалар, масалан, роял, пианино ёки автомобилларни уриб аюжағини чиқариш ёхуд ўт кўйиш орқали ваҳшиёна, оммавий “кўнгил очиш”лар уюштириш) “оммавий маданият”ниг айрим кўринишларидир.

Юқорида биз Ғарбда “оммавий маданият”нинг тарихи, туғилиш манбалари тўғрисида сўзладик. Ҳозир-чи? Ҳозирга келиб эса бу тамойиллар

янада ғовлаб, томир отяпти. Масалан, “поп-музыка”га хос ўша ритмик “бит” (зарб, қўшиқ ниқобидаги алахсираш, валдирашга яқин дидсиз “репп”лар таъсири дунё миқёсида тарқалиб, миллий мумтоз ва халқ мусиқа санъатидан одамзотни узоқлаштирмоқда. Ғарб давлатларининг айримлари “оммавий маданият” тарқатаётган “порнография” (шармсизлик, ҳаёсизлик) ҳамда садизм (зўравонлик) тарғиботи йўлидаги ғовлар, қарангки, суд қарорлари асосида, бирин-кетин олиб ташланыпти. Ҳатто АҚШ мактабларида “Янги рок мусикалари ўқув дастурларига киритилган...

“Оммавий маданият” мактабининг “натижалари” эса яққол кўриниб турибди. Масалан, АҚШнинг айрим мактабларида содир этилаётган портлашлар, болаларнинг савдойи, вас-вос кимсалар қўлида қурбон бўлаётгани, ёшлар феълида кучайиб бораётган агрессивлик жаҳон оммавий-ахборот воситалари орқали ҳаммага маълум. “Экканингни ўрасан” деб шунга айтсалар керак.

Афсуски, ер юзидаги ахборо алмашинуви мислсиз тезлашган ҳозирги глобализм шароитида, ғарбдаги “марказлар” бундан фойдаланиб, блшқа давлатлар ва халқлар ўртасида Ғарб ҳаёти “жозибалари”ни, жумладан, “оммавий маданият” таъсирини “эркинлик шабадалари” тарзида имкон қадар кенг ёйишга енг шимариб ҳаракат қилмоқдалар.

АҚШнинг таниқли сисатшуноси Збигнев Бжезинский шундай ёзади: “Маданият соҳасида Америка жаҳон ёшлари орасида алоҳида жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бу эса АҚШга жаҳоннинг ҳеч бир давлатига насиб қилмаган сиёсий таъсирини таъминлайди. Айниқса, Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жаҳон бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллайди. Унинг оммабоп мусикаси, америкаликларнинг қизиқишлари, овқатланишларидаги одатлари ва ҳатто, кийинишларига бутун дунёда таҳлид қиладилар”. АҚШ сиёсати ва мафқураси намояндалари ўз мамлакатлари манфаати, сиёсати ва турмуш тарзини фақат китоблар, публитистик чиқишлар

орқали тарғиб этиш билан чекланиб қолаётганлари йўқ. Дунё халқларини “ғарблаштириш”га уринишлар қуроли сифатида, масалан, “оммавий маданият” воситаларидан, турли-туман ахборот тарқатиш (реклама, матубот, кино, телевидения каби) йўлларида зўр бериб фойдаланилмоқда.

Албатта, халқимиз, жумладан: ёш авлод ғарб-фан-техникаси, маданияти, адабиёту санъатининг илғор жиҳатларини инкор этмайди. Бироқ ғарбдаги тараққийпарвар зиёлиларнинг ўз “ғарбнинг муаммоси” сифатида баҳолаётган “оммавий маданият” нинг маънавий-ахлоқий тубанликларини ёшларимиз қанча тез англаса, шунча яхши.

Тўғри, биз демократия даврида яшаймиз. Жамиятимизда қизиқиш ва майлларга ҳурмат биланқаралади. Аммо хатарли қизиқиш ва майллардан давлат ва жамият ўзини ҳимоя қилиши лозим. Бунинг учун эса, энг аввало реклама ва оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги давлатимиз қонунларининг талаблари қатъий бажарилиши керак. Яъни “реклама”чилар ва журналистлар, давлатимиз, жамиятимиз хавфсизлиги (жумладан, халқни, ёшларни маънавий айлантиришга олиб келадиган ҳолатларга) йўл қўймасликлари керак. Афсуски, бундай ҳолатлар юз берапти.

Қолаверса, дунёқараш тарбияси имкониятларини ривожлантиришимиз лозим. Масалан, “Огоҳлик” иборасининг маъноларини бугунги замон шароитидан келиб чиқиб, анча кенг миқёсида тушунишимизга тўғри келади. Яъни бугунги огоҳлик халқимиз, айниқса, ёшлар дилини, руҳиятини, ақл идроки ва умуман маънавиятини диний-ақидапарастлик, жаҳолатпарастликлар хатаридан ташқари, айти пайтда, жаҳонда юз бераётган сиёсий, мафкуравий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва эстетик манфаатлар йўналишидаги ошкора ва хуфя курашларнинг кенг миқёсидаги хатарли жиҳатларидан, жумладан, “оммавий маданият”нинг емирувчи таъсиридан муҳофаза қилишни ҳам ўз ичига олади. Иложи бўлса, мамлакатимиз таълим тизимининг-мактаблардан тортиб то олий таълим муассасаларигача бўлган барча босқичлари ўқув

дастурларига ана шу кенг, юксак малакали илғор замонавий, маъно-мазмунли, махсус “Огоҳлик” дарсларини киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўйлаб кўриладиган муҳим ва жиддий масаладир.

1.1. “Оммавий маданият кўринишлари ва миллий маданиятга таъсири”

Дунёдаги ҳар бир халқнинг ўзига хос анъаналар, урф-одатлар миллий қадрият-лар бор. Муайян заминда куртак очиб, неча юз йиллар давомида шаклланган ва сай-қал топган маънавий мезонлар шу миллатнинг, шу халқнинг бебаҳо бойлиги ҳисоб-ланади. Ҳаётимизда шиддат билан кириб келаётган техника ва технологиялар, гло-баллашув жараёнларида бундай бойликнинг моҳиятини янада чуқурроқ англаш дол-зарб аҳамият касб этади. Бугун кескин тус олаётган “оммавий маданият” ҳам маънавий таҳдидлардан биридир.

Замонавий, тезкор тараққиёт билан ҳамқадам бўлиш ёшларимизнинг ҳаёт тарзига айланиб бормоқда. Албатта бу қувонарли ҳол. Чунки бир неча тилда бемалол сўзлаша олиш, интернет оламига кириб дунё янгиликларидан бахабар бўлиш имкония-тининг мавжудлиги. Уларнинг билиши, дунёқараши кенгаётганидан дарак беради. Бироқ глобаллашув жараёнида турли ғоялар қураши, ахборот хуружлари, мафкура-вий тазйиқлар тобора авж олаётгани сир эмас. Бугун арзимас туюлган кичик хабар ҳам одамларнинг, айниқса ёшларнинг ҳаётини ўзлаштиришга қодир қуч бўлиши мумкин.

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида бутун инсоният, ер юзидаги барча халқлар ва миллат-лар тараққиёти учун, айниқса, ҳаётга кириб келаётган ёш авлод учун мисли кўрил-маган имкониятлар яратиб берганини ҳеч ким инкор этолмайди. Авваламбор, фан ва техниканинг илғор ютуқлари, замонавий ахборот-коммуниуация технологиялари, хусусан, интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб бериш ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига сўзсиз катта ҳисса қўшаётга-нига бугун барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Лекин одамзод тақаккурининг юксак ва ёрқин намоёни бўлган бундай ютуқлар айни пайтда катта қуч-қувват ва молиявий имкониятларга эга бўлган

айрим сиёсий кучларнинг ҳаразли ниятларни амалга оширишда мафкуравий қурол сифатида ишла-тилётганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Одамларнинг, биринчи нав-батда ёшларнинг онгу тафаккурини, маънавий оламини издан чиқаришга қаратилган бундай уринишларнинг узоқ ва давомли, салбий оқибатларини аглаш ва бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш бугунги кунда ўта муҳим аҳамият касб этиб бор-моқда.

Ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асраш, уларнинг миллий ва умубашарий қад-риятлар руҳида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмунини ва асл сабабларини чуқур англаши, ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, оқни қорадан ажратишга қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шартини ва мезонини бўлиши даркор.

Шу маънода, ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги ва-ятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафа-қат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамият касб этади.

Бу ўта муҳим вазифани амалга оширишда таълим-тарбия тизими, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, мафкуравий масалалар билан шуғулланадиган идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар ўз ҳиссасини қўшиши табиий албатта, лекин бу борада оммавий ахборот воситаларини ўрни ва таъсир кучи бе-қиёс, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.⁶

Бир ўйлаб кўрайик, ўз мустақил фикрига эга бўлиш – бу нима дегани? Бу аввало кўп-кўп фикр ва мисолларни ўзаро солиштириб, қиёслаб, уларнинг ичидан яқою-ягона тўғри ҳақиқатни ажратиб олиш, уни ўз онгига сингдириш, шундан хулоса чиқариб яшашга қодир бўлиш демакдир.

⁶ И.А.Каримов. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т. “Ўзбекистон” 2009 йил. 9 бет.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам, улар олдида қўйиладиган талаблар ҳам кўп. Лекин энг муҳими –ҳаёт ҳақиқатини тўлақонли акс эттиришдан иборат. Чунки ҳақиқат журналистика-нинг ўзгармас ва доимий шарти бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши зарур. Айни вақтда матбуот ва эфир орқали ҳақиқатни ёритиш, одамларга етказиш ҳар қайси журналистнинг билими ва тажрибаси, унинг профессионал маҳоратига, гражданлик позициясига боғлиқ эканини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Албатта, ҳақиқатни очиб бериш дегани бир қарашда жуда содда, ҳаттоки, жўн гап бўлиб туюлиши мумкин. Ҳақиқат ё бор, ё йўқ, унинг нимасини очиб бериш мумкин, деган савол туғилиши ҳам балки ўринлидир. Лекин мафкуравий тобора кескинлашиб бораётган бугунги замонда шундай устаси фаранглар ҳам борки, улар ҳар қандай ёлғонни ҳам ҳақиқат деб шундай боплаб тушунтириб қўйадик, баъзан қип-қизил уйдирмаларга қандай ишонганимизни билмай қоламиз.

Шу муносабат билан илгари билдирган бир фикрни яна такрорлаш ўринли бўла-ди; деб ўйлаябман: Ватан ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш авлодимизни турли тажовузлардан асрашда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маъ билан курашиш бугунги кунда ҳар қачогидан ҳам чуқур мазмун ва аҳамият касб этмоқда.

Биргина мисол, “оммавий маданият” ҳақида. “Оммавий маданият” Ғарб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Уни Ғарбда “популяр” ёки қисқартирилган қисқартирилган ҳолда, “поп-культура” (яъни “оммавий маданият”) деб аташади. Гарчи маданият деб аталсада, аслида туб мазмун-маъносига, мақсад ниятига кўра, “оммавий маданият” чинакам маданиятнинг кушандасидир. Мутахассислар (файласуф ва социолог олимлар)нинг фикрича, ҳам илм фанда “антикультура” (“ғайри маданият”) деган илмий тушунгча шакланмаганлиги учун “Поп (оммавий) маданият” тушунчаси, ночорликдан

қўлланилмоқда. Чунки “оммавий маданият”, аслида мада-ниятсизлик, яъни маънавиятсизлик ва ахлоқсизлик синонимидир. “Оммавий мада-ният” шу боисдан, энг аввало юксак истеъдод ва ўлмас маънавий-ахлоқий ғоялар байроқдори бўлган му маданиятга, санъатга, унинг бойликларига қарши тиш тирноғи билан курашиб, уни инкор этиб келяпти. Ғарб дунёсининг ўзидаги файласуфлар, социолог олимлар “Бизга “Тўққизинчи симфония” (Бетховен) керак эмас! ёки “Мона Лиза”ни лойга қариштирамиз!” каби жаҳолатпарастликка асосланган хитоблар “оммавий маданият” тарафдорлари ва мухлисларининг дастурий қарашлари негизи-ни ташкил этади, деб ёзадилар.

Албатта халқимиз, жумладан ёш авлод ғарб Фан-техникаси, маданияти, адабиёту санъатининг илғор жиҳатларини инкор этмайди. Бироқ ғарбдаги тараққийпарвар зиёлиларнинг ўзи “ғарбнингмуаммоси” сифатида баҳолаётган “оммавий маданият-нинг” маънавий-ахлоқий тубанликларини ёшларимиз қанча тез англаса, шунча яхши.

Тўғри биз демократия даврида яшайбмиз. Жамиятимизда қизиқиш ва майлларга хурмат билан қаралади. Аммо хатарли қизиқиш ва майллардан давлат ва жамият ўзини ҳимоя қилиши лозим. Бунинг учун эса, энг аввало, реклама ва оммавий ахбо-рот воситалари тўғрисидаги давлатимиз қонунларининг талаблари қатъий бажари-лиши керак. Яъни “рекламачилар” ва журналистлар давлатимиз, жамиятимиз хавф-сизлигига (жумладан, халқни, ёшларни маънавий айнитишга олиб келадиган ҳолат-ларга) йўл қўймасликлар керак. Афсус, бундай ҳолатлар юз бераяпти.

Айниқса, жангари филмлар, ёшларни соатлаб ўтиришга “мажбур” қилаётга копто-тер ўйилари бетўхтов ёвузликни тарғиб этса, боласининг отаси кимлигини билмас-дан боши қотиб ДНК текширувини ўтказмоқчи бўлган хомиладор ҳақидаги сериал-лар, интернет оламида аёл ва эркекларга лаззатланиш ҳақида бериллаётган “энг яхши маслахатлар” фахш ҳақида бузуқлик кўчаси сари чордайди.

Журналистларимиз ўз маҳорати, билим ва истеъдоди ҳисобидан замонавий ахбо-рот воситаларининг имкониятлари, ахборот тўплами, ва уни оммага етказишнинг усул-услублари ҳақида етарли малака ва кўникмаларга эга. Бу соҳанинг сир-асрори ҳаммадан ҳам кшра уларга яхши маълум.

Авваламбор, ҳозирги вақтда маънавият масаласи нақадар ўткир ва ҳал қилувчи масалага айланиб бораётганини аксарият кўпчилигимиз ғали ҳам чуқур тушуниб ет-ганимиз йўқ, десак, ўйлайманки, хато бўлмайди. Яна такрор айтишга тўғри келади: маънавиятни йўқотсак, ўзимизни ва ўзлигимизни йўқотамиз. Маънавиятни юксалтирсак, ўз мурод-мақсадимизга етишда кучли мадад топамиз.

Ҳозирги кунда ғоявий муҳолифларимиз, маънавиятимизга қарши кучлар аҳоли-мизга, айниқса ёшларимизга нисбатан ахборот хуружлари уюштиришга, “оммавий маданият” шаклидаги пухта ниқобланган таҳдид ва таъсирлар ўтказишга уринмоқда.

Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, “ахборот асри” деб ном олган ХХІ асрда ҳеч қайси давлат ёки жамият ўзини темир девор билан ўраб яшай олмайди. Айни пайт-да, аҳволи шундай екан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри келмайди, бундай таҳдидларга жавобан биз ҳам, сода бўлмасдан, зарур чора-тадбирларни кўришимиз керак.

Бугун биз янги ҳаёт, ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган эканмиз, замон-нинг ўзи жамиятимизда ҳануз сақланиб қолаётган, умрини ўтаб бўлаган баъзи қа-рашларнинг тубдан ўзгартиришга, давр билан ҳамнафас бўлиб, янгича фикрлашга даъват этаётганини, ўйлайманки, барчамиз яхши англаймиз.

Бу вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ҳам шуни унутмаслиги зарурки, мустақил тафаккурни шакллантиришда албатта маҳорат ке-рак, албатта масъулият керак ва албатта халқимизга хос одоб-андишани йўқотмас-лик керак.

Ана шундай юксак марраларни эгаллаган тафаккурдагина матбуотнинг ҳаққоний, ҳароратли сўзи ҳар бир юртдошимиз юрагида акс садо беради ва у халқимизнинг чинакам маънавий ҳамроҳига айланади.

II-бoб. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ ВА ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ТАҲДИДИ

“Глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг
беқиёс даражада тезлашуви демакдир”

И.А. Каримов

“Глобаллашув” тушунчаси, унинг маъно-мазмуни ва инсоният тараққиётидаги ўрни масаласи қизиқиши ортиб бормоқда. Бу бежиз эмас, адбатта. Чунки глобаллашув жараёни ер юзидаги мамлакат ва халқларни шу даражада узвий боғлаб қўймоқдаки, буни башарият тарихида шу пайтга қадар ҳеч қайси восита амалга ошира олмайди. Бу жараён шунчалик кучайиб бормоқдаки, ҳозир-данок дунёнинг бирон бир ҳудуди унинг таъсиридан хали қолаётгани йўқ.

Ўтган асрнинг охирларида пайдо бўлган “глобаллашув” атамаси жаҳон мамлакатлари иқтисодий ва молиявий ҳаётнинг янги умумлашиб бораётгани ифода этар эди. Бугунги кунда келиб эса у кенг қамровли тушунчага айланди. У давлатлар ва халқлар ҳаётининг барча соҳаларида янги умумлашув жараёни ни англатмоқда. Гарчанд глобаллашув жараёни бирданига пайдо бўлиб қолмаган, балки инсон яратилган пайтдан бошлаб сода ва табиий шаклга дават этиб келган бўлсада, ҳозирги вақтда инсоннинг ўз манфаатлари йўлида табиий ривожланиш жараёнига зўравонларча аралашуви ратификасида шаддатли равишда тезлашиб кетди.

Албатта, бир мақомдан қараганда, бу жараённинг ижобий жихатлари ҳам йўқ эмас. Чунончи, кўпгина мамлакатларда фан-техника, технология ютуқларининг жадал кириб келиши глобаллашув туфайли. Бу эса уларнинг иқтисодий ҳаёти ривожига, халқлар турмуш даражасининг ортишига ижобий

таъсир кўрсатмоқда. Шу тариқа башариятнинг умумий интеллектуал салоҳияти юксалишига ёрдам бермоқда.

Иккинчи томондан глобаллашувнинг салбий оқибатлари ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Жумладан, ривожлангин ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида иқтисодий таърифларнинг кучайиши, аynиқса оммавий телекоммуникация, компьютер, интернет воситалари орқали бирон бир ҳудудга ҳос миллий-маънавий қадриятларни ўз халқларга сингдириш ва шу йўл билан жаҳонда нафақат иқтисодий, балки миллий-маънавий ҳукумронликни ўрнатишга уриниш ҳоллари ҳам кенг қамров касб этди, таъсир имкониятини оширди. Энг ёмони, кўпгина ривожланган мамлакатлар жаҳонда иқтисодий интеграцияни кучайтириш, фан-техника, технология, таълим соҳасида ривожланган мамлакатларга ёрдам бериш, демократик қадриятларни кенг ёйиш баҳонасида миллий-маънавий таъсир ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Қудратли давлатлар, улкан имкониятларига таянган ҳолда, кам тараққий қилган мамлакатларнинг моддий ресурсларини ўзлаштир-моқда, бозорларини эгаллашмоқда. Бу эса иқтисодий заиф мамлакатларнинг тараққиёт борасида мустақил йўл тутиш имкониятларини чеклаб қўяётир. Чунки ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва амалга ошириш учун зарур техника, технология ҳамда илмий иш ривожланаётган мамлакатларнинг ўзида тайёрланмац, четдан олиб келин-моқда. Шу тариқа ривожланаётган мамлакатлар юксак тараққий этган мамлакатлар-га боғланиб қолишга, яна ҳам аниқроғи, қарамликка маҳкум бўлаётир. Бошқача айтганда, глобаллашув босқинчиликнинг яна бир шаклини бошлаб бермоқда.

Албатта бу ҳали ҳолва. Энг даҳшатлиси – ана шу техника ва технология, иш-лаб чиқариш муносабатлари билан бирга бегона маънавий ҳаёт, турмуш маданияти унсурлари ҳам кириб келади. Агарда улар халқнинг миллий туйғу ва дунёқараши, менталитетига зиён етказмаса, миллат ривожига салбий таъсир кўрсатмаса, албатта хавотирланишга ҳожат бўлмас эди. Афсуски, ёт маънавий

таъсирлар миллий маъна-вият ва дунёқараш ўрнини эгаллашга уринади. Бундан ташқари, энг замонавий теле-коммуникация, компьютер, интернет каби воситалар орқали миллий ўзликка хослик-ка зид, уни барбод қилишга қаратилган, замирида фақат фойда олишдан бошқа ҳеч қандай ибратли мақсад бўлмаган оммавий маънавият-маданият намуналари - ахлоқ-сиз филлимлар, телесериаллар, ахлоқона шоу-томошалар кириб келаётгани кузатиш мумкин⁷.

Бу даражада миллий тил, миллий қадрият ва қарашлар, гўёки этим кўзидек, бир четга чиқиб қолади. Агарда бунинг вақтида олди олинмаса, миллий ўзига хос-ликнинг барбод бўлиш хавфи кучайиб бораверади. Бу эса бутун инсоният учун катта фожиадир. Чунки инсон боласининг улуғлиги, аввало унинг ўз миллатини англаш ундан фахрланиб-яшашида намоён бўлади. Миллий туйғу эртанги кунга ишончни орттиради. Демак, миллийликни англамаган инсон ўзининг қийинчилиқни билмаган инсониятни асраш қанчалик буюк ва муқаддас иш бўлса, миллатни асраш ҳам шундан кам эмас. Миллатнинг вакили эканини ҳис этиб яшаш муқаддас туйғудир. Ўзини англаган, қадрлашни билган инсонгина бундай фазилатга эга бўлди.

Миллий ўзига хосликка қарши таъсирнинг авж олши нафақат юзага келаётган таҳдидни англаш, балки унинг олдини олиш учун амалий фаолиятни кучайтиришни ҳам тақозо этади. Бу борада айниқса, миллий маънавий иммунитетни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Миллий маънавий иммунитет миллатнинг барқарор ривожланиши учун зарур бўлагн интеллектуал салоҳиятнинг мавжудлиги, унга эҳтиёжнинг ортиб бориши ва ҳар қандай ташқи таҳдидиларга қарши тура оладиган маънавий-руҳий куч-қувват-дир. Миллий маънавий иммунитетни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда қуйидаги омилларни шакллантириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш амалий аҳамиятга эга бўлади.

⁷ Тафаккур. Ижтимоий фалсафий-маънавий-маърифий журнал. 2/2006 йил 15 бет.

Биринчидан, миллий интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш ва ундан сама-рали фойдаланиш. Бунинг учун таълим ва миллий тарбияни ривожлантириш, урф-одат, анъана ва қадриятларга уйғун ҳолда ёшлар дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантириш. Токи ёшлар умубашарий қадриятлар билан бирга ўз миллати қадрият-ларнинг бойлиги ва гўзаллиги ҳам чуқур ҳис этсин. Уларга миллий маънавиятнинг асосий мансаби сифатида қарайдиган бўлсин. Аммо бу осон эмас. Чунки бугун жа-ҳонда инсон қалби ва онгини эгаллаш, миллат маънавиятини ёт ғоялар билан алмаш-тирмш, охир-оқибатда миллионлаб одамлар устидан маънавий ҳукумронлик ўрна-тиш учун жуда катта маблағ, куч-қудрат ишга солинмоқда.

Баъзан бундай вазиятда ҳаётнинг тажрибага эга бўлмаган, моддий жиҳатдан қийналаётган айрим ёшлар нажотни ташқаридан излашга ҳаракат қилади. Бундан ташқари ёшларга хос қизиқувчанлик, оқибатини ўйламасдан иш тутиш ҳам миллий маънавий иммунитетнинг заифлашувига сабаб бўлади.

Юксак интеллектуал салоҳифт миллий маънавий иммунитетнинг шаклланти-риш ва мустаҳкамлашнинг асосий омили ҳисобланади. Унинг юксалишига эришиш орқали ёшларнинг маънавий эҳтаёжини миллий маънавий бойликларимиз билан қондиришимиз, уларни турли ғоявий хуружлардан ҳимоя қилишимиз мумкин. Бу бази Фани амалга оширишда миллатнинг ақл-зиё салоҳияти ўзагининг ташкил қила-диган зиёлилардан самарали фойдаланиш, уларни фаоллаштириш, бунинг учун за-рур чораларни кўриш лозим бўлади.

Миллий интеллектуал салоҳиятни юксак бўлган миллатгина мамлакатни та-раққиётга олиб борувчи миллий ғояларни ишлаб чиқиши ва уларни амалиётга тад-биқ қилиши мумкин. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, интеллектуал салоҳияти ривожланмаган миллат жаҳолатга маҳкум бўлиб яшайди. Демак, миллий интеллек-туал салоҳияти ошириш, у ҳақда доимий ҳамхўрлик қилиш миллий маънавий имму-нитетни изчиллик билан мустаҳкамлашнинг асосий шарти ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам турли тахдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда мамла-катмизда миллий интеллектуал салоҳиятни ошириш масаласига катта эътибор бериш-моқда. Юртимизда барпо этилаётган янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, замонавий ўқув-юртлари, маданият муассасалари, амалаг оширилаётган қатор дав-лат дастурлари – барчаси ана шу мақсадга хизмат қилади.

Иккинчидан, миллий маънавий иммунитетни шакллантиришнинг яна бир омили миллатнинг мафаат ва мақсадларини ўзига ифода этадиган миллий тараққиёт ҳоясини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этишдир. Миллий тарққиёт ҳояси раел ҳаёт талабларидан узоқ бўлиб, миллатнинг орзу интилишларини акс эттирмаса, ку-руқ назариядан иборат бўлиб қолади, ҳеч қачон моддий кучга айланмайди. Миллий ривожланиш ғояси миллий ҳоянинг айнан ўзи эмас, балки миллатни аниқ мақсад сари интилишга, юксак тараққиётга даъват қиладиган, уларни ҳаётий эҳтиёжга айлантирадиган илмий-назарий концепциядир. Миллий ғоя кўпроқ миллий ўзликни ифода этадиган, унга амалаий маъно-мазмун бағишлайдиган манба ҳисобланади. Миллий ғоя ўзгармас ва асосий манба бўлса, миллий тараққиёт ғояси миллат эҳтиё-жи, уни ривожлантириш вазифаларининг қўллашга қараб такомиллашиб, ҳаётий тажриба ва талаблар туфайли кенгайиб, уларни ўзида акс эттириб боради.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бу масалаларига каттаэътибор берилади. Президент Ислон Каримов томонидан Ўзбекистоннинг та-раққиёт концепцияси ҳамда миллий истиклол ҳояси асосий тушунча ва тамойиллари ишлаб чиқилди. Бу яхлит тийлимот ҳозирги вақтда халқимиз маънавий ҳаётининг узвий бир қисмига айланиб кетди.

Таъкидлаш лозимки, миллий тарққиёт ҳояси миллатнинг шаклланиши, ривож-ланиши ва юксалишида муҳим манба бўлиб қолаверади. Халқ ва миллат ҳаётига содир бўладиган ту бурилиш босқичларида унинг таркибий қисми

бўлган ҳоялар устувор даражага кўтарилиши мумкин. Юртимизнинг мустамлака ҳаётига тушиб қолиши ва озод бўлиши миллий истиқлол ҳоясининг шаклланишига ҳамда унинг етакчи ғояга айланишга олиб келгани мисол бўла олади. Бугун халқимиз анна шу ғоянимоддий кучга айлантирди, истиқлолни қўлга киритди ва мустақил тараққиёт йўлидан бораётир. Шу маънода бугун миллий истиқлол ғоясини миллий маънавий иммунитет асоси сифатида ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришимиз талаб этилмоқда.

Бугун халқимизнинг юксак мақсад муддаоларини ўзига ифодалаган миллий тараққиёт ғояси истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий юксалишга эришиш, миллий хавфсизликни таъминлаш, механизмлари, миллий интеллектуал сало-ҳиятини ошириш, миллий мерос, урф-одат ва қадриятларни замон талаблари асосида бойитиш, миллат маънавиятига қарши қаратилган таҳдидларга тайёр бўлиши, глобаллашув шароитида миллий ўзига хосликни асра, унинг таъсири остида юзага келиши мумкин бўлган бузғунчи “маънавият”га нисбатан миллий маънавий иммуни-тетни шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш каби ўта муҳим вазифаларни назарда тутди.

Учинчидан, миллий маънавий иммунитетни шакллантириш ва мустаҳкам-лашнинг қаторида демократик қадриятлар ҳам муҳим ўрин тутди. Демократия нафақат жамият аъзоларининг ҳокимият бошқарувида кенг миқёсдаги иштироки, айти пайтда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишини ҳам тақозо этади. Чунки инсонгина иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларини қондира олиши мумкин. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликлари миллатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиётига муҳим аҳамиятга эга.

Аслида демократик қадриятлар тузилишининг асосини ҳам ҳар бир фуқаро-нинг эркин фаолияти учун яратилган имкониятлар ташкил қилади. Чунки эркинлик сиёсий ҳуқуқларининг тўлақонли мавжудлиги ва улардан

амалда фойдалана билиш билангина чеклана қомайди. Балки инсоннинг ўз хохишига кўра яшашни ҳам тақозо этади. Бу ҳар бир инсон учун нафақат катта инсоният, айтилиши вақтда масъулият ҳамдир. Чунки жамиятда барқарорлик етарли, давлат турли хавф-хатардан ҳоли бўлса, ҳар бир инсон эркинлигининг дахлсизлиги таъминланади. Натижада инсон жамият ҳаётидаги жараёнларга бепарво қарайдиган, улар учун масъулиятни давлат зимма-сига юклайдиган бўлиб қолди. Бундай вазиятда ўз-ўзидан маънавий иммунитет заифлашади, айтилиши, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларда вазиятни тўғри баҳо-лай олмаслик ҳолатлари кучайиб боради. Бу эса охир оқибатда жамият ва фуқаро ўртасидаги муносабатларда мувозанат йўқолиб, фуқаро масъулиятсизлигини куча-йтилиши, маънавий иммунитетнинг барбод бўлишига олиб келади.

Тўғридан, миллий маънавий иммунитетни шакллантиришда миллий тарбия-нинг аҳамияти катта. Хўш, миллий тарбиянинг ўзи нима? Миллий тарбия миллий мерос, урф-одат, анъана ва қадриятлар орқали ёшларда миллий онг, дунёқараш ва руҳиятни шакллантириш, уларнинг ўзлигини англатиш, халқ ва Ватан олдидаги масъулиятини юксалтириш борасидаги фаолият йўналишини билдиради. Кўриниб турибдики, миллий тарбия фақат миллий маънавиятни ривожлантириш билан чек-ланмасдан, миллий маънавий иммунитетни шакллантиришнинг ҳам муҳим омили-дир.

Миллий тарбия оиладан бошланади. Маҳалла ва таълим тизимида даъват этирилади. Миллий онг ривожланган, ўзлигини англаган, дунёқараш шаклланган инсон халқи ва Ватанини улуғлайди, эл-юрт олдидаги масъулиятини тушуниб, унинг маънавиятини ҳимоя қилади. Ватан, халқ инсон учун энг олий неъмат, улуғ маънавий бойлик эканлиги доимо ҳис этиб яшайди. Лекин бугунги глобаллашув жараёни миллий тарбияга ҳам салбий таъсир ўткази бошлади. Бугун маънавий ҳаё-тимизга ёт урф-одат ва анъаналар, ахлоқсизлик таҳдид симоқда. Албатта биз ўзимиз учун мақбул бўлган одат ва

анъаналарни қабул қилишимиз мумкин. Аммо уларни кўр-кўрона қабул қилиш жаҳолат аломатидир.

Масалан, асрлар оша қон-қонимизга сингиб кетган ота-онани улуғлаш, оилани муқаддас сақлаш, фарзанднинг бурчи, каттага ҳурмат, кичикка ҳурмат иззат, ўзаро меҳр-оқибат, иффат, ор-номус, ҳаё каби фазилатлар устоз ва шогирдлик одоби каби эзгу қадриятларга содиқ қолиш миллий тарбиямизда муҳим аҳамиятга эга. Аммо бугун Оврупага ҳос индивидуализм, ота-онанинг ҳолидан хабар олмаслик, ҳатто улар вафот этганда охирги манзилга кузатишга ярамаслик, ака-ука, опа-сингиллар ўртасидаги яқинликнинг йўқлиги сингарименталитемизнинг ёт бўлган қатор хусу-сиятлар глобаллашув туфайли миллатимиз ҳаётига кириб келмоқда.

Иқтисодий муаммоларни бугун бўлмаса, эртага албатта ҳал этиш мумкин. Лекин миллий маънавий иммунитетимиздан, ўзлигимиздан маҳрум бўлиб қолсак, уни тиклаш осон кечмайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз “Мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ ҳуқуқга эга” деб ҳаммамизни ғоявий ва маънавий хатарлардан огоҳ этган эди.

Шу муносабат билан глобаллашувнинг бугунги миллий ҳаётимизга таъсирдан ҳимояланишда миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини кег тарғиб этиш, таълим тизимида бу борада яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларини ўқитиш сифатига этибор бериш зарур, деб ўйлайман.⁸

Бешинчидан, миллий маънавий иммунитетни шакллантириш ва мувтаҳкам-лашнинг Яна бир омили – замонавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланишдан иборат.

Мустақиллик йилларида юртимизда замонавий ахборот воситаларини ривож-лантириш борасида жуда катта ишлар амалга оширди. Аммо яратилган қулайлик-лардан самарали фойдаланяпмизми деган саволга ижобий жавоб бериш қийин. Замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш қанчалик

⁸ С.Отамурадов. “Тажовуздан сақланиш йўли” “Тафаккур” 2/2006 18бет

самарали бўляпти, бу соҳада ким мониторинг олиб боряпти, ютуқ ва камчиликларимиз нимадан иборат, келажакда қандай ишлар қилишимиз лозим? Хуллас, замонавий ахборот технологияларидан талаб даражасига фойдалана олиш миллий тарбиямиздаги асосий вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, миллий маънавий иммунитетимизни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, ёт ғоя ва мафкураларнинг моҳиятини очиб берадиган бадиий асарлар яратиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Яратишаётганлари ҳам кенг томошабин ва китобхонларгача етиб боряпти. Бугун ўрнига аҳоли гавжум майдонлар, кўча ва хиёбонларда хорижий мамлакатларда яратилган, аксарияти миллий маънавиятимизга зид ҳоялар ҳамда ахлоқсизликни тарғиб этиладиган видео ва нашр маҳсулотлари сотишаётганнини кўрамыз.

Харидорларни (улар асосон ёшлар) китоб, журнал ва газеталарда эълон қили-наётган мақолаларнинг мазмуни эмас, балки улардаги беҳаё расмлар кўпроқ қизиқтираётгани кўпчиликка аён. Айтиш мумкинки, бугун юртимизга турли йўллар билан киритилаётган хорижий мамлакатларнинг китоб, журнал ёки газеталари ҳамма вақт ҳам аҳоли маънавиятини бойитишга хизмат қилмайди.

Бугун биргина Тошкент шаҳрида ўзимизда чоп этилган китоб ва вақтли матбуот маҳсулотларига қараганда хориждан келтирилиб, аҳолига сотилаётган нашрлар бир неча баробар кўп экани бизнинг ҳозирданоқ фикр мусобақасида, ахборот май-донида имкониятни бой бериб қўяётганимизни кўрсатади.

Хуллас, дунё миқёсида глобаллашув жараёни авж олаётган бугунги кунда миллий маънавий иммунитетимизнинг мустаҳкамлашга ёрдам берадиган барча имконият ва воситалардан самарали фойдаланиш миллий ўзлигимизни сақлаб қо-лиш, уни ҳар қандай ташқи таъсирлардан ҳимоя қилишда катта амалий аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

2.1. Ҳозирги шароитда “оммавий маданиятга” қарши курашиш усуллари.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” маърузаси истиқлол даврида юртимизда рўй берган барча ўзгариш ва янгиланишларга ҳолис баҳо бергани, бугунги ҳаётимиз теран таҳлил этилгани билан ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Президентимиз унда халқимиз эришган ютуқ ва муваффақиятларни яна бир бор эътироф этиш баробарида тараққиёт йўлимиз турли ёт ғоя ваҳавфлардан ҳоли эмаслигини ҳам назардан четда қолдирмаган. Бу борада: “Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо эканмиз бир масала алоҳида аҳамият беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак.

Бугунги кунда мазкур чақириқ барчани бирдай чергап торттирди. Чунки, халқимизга нисбатан “оммавий маданият” деб аталаётган оломончилик балоси хуруж қилаётгани ҳали-ҳамон англаб етмаётган, ҳаётимизда бу офатнинг илк “жилвалари” намоён бўлаётганини сезмаётган одамлар орамызда бисёр”.

Холбуки, яқин-йироқ юртларда “оммавий маданият”га ёппасига эргашишдан келиб чиқаётган фожиали оқибатларни кўриб турган бўлсак-да, гўё у бизни четлаб ўтаётгандек лоқайдлик, бепарволик ҳолати ҳукмрон.ҳатто, халқимиз “кўзи очик” деб ҳурматлайдиган зиёлилар ҳам бундай ҳаракатларга нисбатан жиддийроқ бир муносабат билдирмаётгани ҳозирги куннинг аччиқ ҳақиқатдир.

Аслида “оммавий маданият”нинг шаклланиш тарихи ёки илмий жиҳатдан ўрганиши ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланиб, замонавий фан “оммавий маданият”нинг инглизчада *mass culture* туб замирида тижорат, моддий манфаатдорлик борлигини эътироф этадилар. Тарихга назар соладиган бўлсак,

ҳар доим эркин, бозор муҳотида серхаридор товарлар билан бирга ёт мафкуралар ҳам ёйилгани маълум бўлади. Зеро, туя карвони ёхуд кема юкхонастда олиб келинаётган товар ёнида ҳамиша муҳим сиёсий “маҳсулот”-ғоя ҳам бўлган ва у бошқа моллар қатори экспорт қилинган. Ана тактика ҳозир ҳам маданиятлар экспортида фаол қўлланаётир.

Фарқли жиҳати шундаки, авваллари бу миссия товар элтувчи савдолар воситасида бажарилган бўлса, бугун бу вазифани товарнинг ўзи адо этади. Яъни, ғоя товарга “ёрлиқ” бўлиб, кириб келади. Масалан, сифатию, чиройи ўзига махлиё этадиган бежирим либос ортиқча изоҳ ва шарҳсиз ҳам бемалол ажнабий маданиятнинг тарғиботчиси бўла олади, уни кийган истеъмолчи эса, тап-тайёр реклама афишаси! Энг даҳшатлиси, бу ҳолни ўша кишининг ўзи ҳамиша сезавермайди. Ёки ярим-яланғоч баданига кўпик сураётган оймчанинг нозли сурати акс этган ироқи совуннинг ўзиёқ миллий ахлоққа “ўлат” тушириш қудратига эга экани англолмайди ҳам. Бу ҳол эса аста-секин миллий маданиятга бегона маданият билан, ёт қадриятларга кўникма ҳосил қилдириши, бегона маданият билан эмланаётган” одамнинг этини ўлдириш билан хатарлидир.

Бу эмлашдан сўнг “оммавий маданият”нинг “оғир формалари”дан сесканмаслик кайфияти ҳукмронлик қила бойлайди.

“Оммавий маданият” туб моҳиятига кўра миллий маданиятларнинг кушандаси бўлиб, у маданий хилма-хилликни хушламайди, унинг асл мақсади бу оламни бир хил кўриш.

Мисол тариқасида “Оммавий маданият” сценарийсининг асосий “муаллифи” саналган АҚШ да маданиятлар уйғунлиги орқали миллатлар ўртасидаги тафовут “девор”ни йиқитиш борасида тўпланган бой тажриба шундан далолат беради. “Ягона миллат”- “америкалик” деган тушунчанинг вужудга келиши учун олиб борилган, узоқ муддатли мафкуравий кураш азал-оқибат халқни бирлаштирди.

Аммо, бу “мувофақият” ўнлаб-юзлаб миллат вакилларининг ўзлигидан мосуво қилиш туб жой аҳоли-ҳиндуларнинг бутунлай “ютилиб” кетиши ҳисобига юз берди.

Гарчи, “оммавий маданият” уммон ортида ягона давлат шаклланишида қўл келган бўлсада, бугунга келиб унинг ғарбда юз бераётган ахлоқий таназзулининг муқаддимаси ҳам экани аёнлашди. Ўтган эллик йил давомида “оммавий маданият” ўша жамиятларни сунъий, оҳта идеаллар билан чалғитибгина қолмай, одам боласи учун муқаддас бўлган табиий жуфтликни инкор этди, ғайриинсоний ахлоқ ва муносабатларни қонунийлаштирди ва бунини демократиянинг олий намунаси дея кўз-кўз қилди. Аср сўнгига келиб бундай жамиятлар табиийликни, аниқроғи, соф инсоний ахлоқ тутумларини излашга тушди. Бу борада Ғарбда қатор: Элвин Тоффлернинг “Учинчи тўлқин, Патрик Бюкененинг” “Ғарбнинг ҳалокати” каби асарлари шов-шувга сабаб бўлаётгани бежиз эмас.

Шуни алоҳида айтиш мумкинки, Собиқ Шўро давлатида ҳам худди шунга ўхшаш амалиёт ўтказилган эди. Оммавий “совет маданияти”ни яшаш ниятида “совет граждани”, “совет гражданининг ахлоқ кодекси” сингари мағзи пуч тушунчалар зўр бериб тарғиб қилинди, ҳатто миллат, қадрият, менталитет деган тушунчалар луғатлардан ўчириб ташланишига бир баҳя қолди. Бу ҳам етмагандек, мустобид тузум даврида шўролар “санъат оддий халққа мутлақо тушунарли бўлиши лозим” деган шиорни байроқ қилиб олган эди. Бундан кўзланган мақсад шундан иборат бўлганки, санъат намоёндаси жўн бир одам даражасига тушсин! Чаласавод, нари борса ўрта мактаб маълумотида эга ишчи ёки деҳқон савиясини кўтариш, дидини ўстириш ҳақида гапирган одам синфий душман!

Негаки, миллий маданиятга эгалик. Шу руҳдаги тарбия ва ахлоқ коммунистик мафкурага мутлақо тўғри келмас эди. Шўролар империяси қулагунга қадар бу тамойил ўз ҳукмронлигини ўтказиб келди.

Кейинги юз йилликларда дуё тақдирини ҳал қилиб келган икки империя тажрибасидан маълум бўляптики, маданиятлар уйғунлашувига эришиш ҳам агрессиянинг бир кўриниши, мустамлакачиликнинг “қоғозга ўралган” шаклидир. Демак, “оммавий маданият” замирида империямизнинг дунёга ҳукмронлик қилиш ғояси мужассам.

Ўтган асрнинг 50-йилларига келиб кишилиқ ҳаётини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиш қийинлашди. Тарғиботнинг янги-янги воситалари ихтиро қилиниши билан империализм тарафдорлари ҳам мустамлакачилик мудаоларини амалга ошириш учун ўз тажрибаларидан мувоффақиятли ўтган “оммавий маданият”ни кенг ёйишга, бунда оммавий ахборот воситаларидан, уларнинг имкониятларидан фойдаланишга зўр бера бошладилар. Ўтиш даври, янги ҳаёт қуриш жараёни кечаётгани боис аксарият жамиятларда ғоявий бўшлиқ пайдо бўлгани оқибатида сайёрамизнинг катта қисмида “оммавий маданият” қулоч ёйди. Хулосамиз шундай бўляптики, микроб ўзи учу қулоч жой излаганидек, ушбу иллат ҳам маънавиятдан йироқ, миллий илдизидан бегоналашга тоифани танлайди.

Савол туғилади, “оммавий маданият”нинг кўринишлари ва уларга қарши кураш усуллари қандай? Бунинг сири шундаки, “оммавий маданият” намоёндаларининг амаллари ўзлари учун ҳар тарафлама манфаатдорликка асосланган: улар “ноёб санъат” намуналари-ғояларини нафақат тарғиб қилади, балки пуллайди ҳам. Бошқача айтганда, ўз ғоясини ёйиш орқали ҳам маънавий лаззатланади, ҳам моддий хохиш-майлларини қондиради. Бу эса уларнинг тарғиботидаги устамонликдир.

“Оммавий маданият” нинг шиддат билан ривожланаётганига ўзан-мағзида тижорат қоидалари яширингани биринчи омил бўлса, иккинчиси-бу офат ўзагини бошида турганларга шошилиш ҳисси мутлақо бегона эканлигидир.

Ҳар қандай замон ва маконда борини пуллашга тайёр дастёрлар топилиши узоқни кўзлаб зимдан иш кўрувчи “оммавий маданият”чиларнинг мушқулини осон қилади, ишини жадаллаштиради.

Бундай дастёрлар “оммавий маданият” тегирмонига билиб билмай сув қуяверади, билганларига ҳам эртанги кун, миллат тақдири қайғуси бегонадир. Мол –дунёга сиғинувчилар фақат бугунни, яна ҳам аниқроғи, ҳозирни кўради ва тан олади. Таниқли адибимиз таъбири билан айтганда, “ҳозирийлар” учун “оммавий маданият” ҳузури жон, бу дунёнинг лаззати.

“Оммавий маданият” муваффақиятли тарзда ёйилаётганининг яна бир омили умум инсоний маданиятни бўйсундириши ва ўз таъсир доирасига тортиши каби тубан мақсадларини амалга ошириши учун турли йўналишлада доимий олиб бориладиган тадқиқот –мониторингларга таяниб иш юритишимиздир. Бундай тадқиқотлар худди сотувчи растага истеъмолчиганинг талаб ҳамда таклифидан келиб чиқиб товар қуйгани каби халқнинг менталитети, инжа нозик руҳияти, турмуш тарзи, истак-майллари чуккур ўрганади ва шу шу йўсинда янги лойиҳалар халқнинг туб илдизларига зарба бериш усулларини ишлаб чиқади.

“Оммавий маданият”нинг ёқузлиги шундаки, у одамзоднинг фикрлашига тиш-тирноғи билан қарши. Тўғри бир қарашда “оммавий маданият” хурфикрлилик, инсон эрки тарафдоридек кўринади, лекин барча “илму ашолиликнинг” негизига эътибор беришса, инсоннинг фикрлашига, тафаккур қилишга зид экани аён бўлади.

Барча соҳаларда улар юритаётган қолиплаштириш сиёсати асл мақсад муддаосини ошкор қилади. Америкалик футуролог Э.Тоффлер “Учинчи тўлқин” асарида бу ҳақда шундай ёзади: “Фабрика миллионлаб хонадонларда фойдаланиш учун битта буюмни керакли миқдорда ясаб ташлагани каби оммавий ахборот воситалари ҳам миллионлаб одамларнинг мияси учун бир қолипдаги ахборотларни керагича чиқариб бораверади. Бир андозага солинган,

ашаддий тарзда тайёрланган махсулотларнинг эгизагидир. “Табиийки, андозалашган ахбороту махсулотлар қуршовида қолган одамларнинг ўзи ҳам бора - бора бир ўлчамга тушади: ҳамманинг топиштуриши ўй кечинмаси, фикрлаш тарзи, бари-бари бир хил. Ва ниҳоят бу оламда хилма-хиллик бўлиши мумкин эмас, деган қарашда якдил.

“Оммавий маданият” шахснинг ижтимоийлашувига, халқона айтганда, “тўртоворага” қўшилишига имкон бермайди. Аксинча ёнвотрофида рўй бераётган воқеа жараёнларга лоқайд, юрт тақдирига мутлақо бефарқ авлодни шакллантиради, умуман жамиятда бепарволик кайфияти ҳукм суришга хизмат қиладиган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатни рағбатлантиради.

Хўш бундан кўзланган мақсад?

Фикрсизлик оқибатида тобеъ-бўлиш куч билан бўйсунтирилгандан кўра минг чандон фожеали. Тарих кўп бор гувоҳ бўлган: қурол аслаҳа воситасида бўйсунтирилган халқлар кўп йиллар, ҳатто асрлар ўтсада, барибир озодликка эришган. Чунки қурол аслаҳа миллий тафаккурни, қалбни забот эта олмаган одамлар онгида озодликка эришишдек улуғ орзу яшайверган! Аммо халқнинг онги, қалби маҳв этилса-чи? Бундай халқ миллий озодлик ҳақида ўйлаш қодир бўлмаслиги, бунга қурб итмаслиги кундай равшан. Миллият учун, халқ учун бундан ортиқ оғирроқ фожеа борми? Миллий озодликни унутиш миллатнинг изсиз йўқолиши эмаси?

Шу маънода тараққиётимиз тамойилигига айланган “кучли давлатдан кучли жамият сари” шиори моҳиятан тафаккури теран, мустақил мушоҳада қобилиятига эга янги бир авлодни шакллантириш ва тарбиялашга қаратилгани билан янада муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин бир қолипдаги дид ва савиянинг шаклланиши мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий маърифий ислохотларнинг моҳиятига тамомила зиддир.

“Оммавий маданият”нинг асл мақсади ҳар куйга солиш мумкин бўлган оломонни шакллантириш бўлгани боис, у маънавий озиқ берадиган, бадий

юксак, ўқувчини мушоҳадага ундаб, тасаввур оламининг кенгайишига хизмат қиладиган асарларини яқинига тўлатмайди. Таасуфки, бугун айрим ёшлар орасида “Қаро кўзимни” сел бўлиб тинглайдиганларга нисбатан бу мумтоз кўшиқ оҳангидан энсаси қотадиганлар, “Алпомиш” дан айтаётган бахшини кўрганда бурнини жийирадиганларлар кўп. “Оммавий маданият”

Намуналари, табиийки, чинаккам бадий қимматга эга эмас. Аммо у ҳамша кенг аудиторияни жалб эта олиши билан ҳайратлидир. “Оммавий маданият оми одамларни, яъни фикрлаш доираси тор, бурнини учидан нарини кўра олмайдиган, таъбир жоиз бўлса, Абдулла Ориповнинг “тилла балиқчиси” кабиларни оҳанграбодай ўзига тортади: одамларнинг ўткинчи ҳаювҳаввосларининг қаноатлантириши, ҳар қандай янгиликни дарҳол илғаб, ўзида акс эттириши билан ҳам жозибали. Шу боисдан “шлягер”, “хит”лар дарҳол эскиради ва кун кўриб кўрмай унут бўлади. Бунинг урф бўлаётган янги йўналишдаги кўшиқчилик, турли мусиқий шоулар, кассабоп филмлар фойда кўриш, бойлик орттиришга хизмат қилмоқда. Бу эса “оммавий маданият” нинг кенг қулоч отишига замин ҳозирлаяпти.

“Оммавий маданият” намояндалари жамият аъзолари дидини белгиловчи маълум бир андозаларни шакллантираяптики, бир қарашда бу зарарсиз, ҳатто бу ёқимли бўлиб туюляпти. Бу айнан янги жамият бунёдкорлари ёшларни ўз домига тортибгина қолмасдан уларни мазкур маданият тарғиботчиларига айлантириб қўяётган билан хатарлидир.

Ҳазрат Жамолиддин Румий ҳақли равишда эътироф этганидек, “Ҳар нечук муяссарият-махрумиятдир, Ҳар нечук махрумият-муяссарият!” Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон цивилизациясининг муҳим бир бўғинига айланди. Тобора жадаллашиб бораётган интеграция жараёнида ҳалқлар ўртасида ўзаро мулоқат шароитининг миллий тараққиётимизга қўшаётган ҳиссасидан кўз юммаган ҳолда, янгилик ниқобига ўралган ёт унсурлар ҳам кириб келаётгани тан олиш лозим. Бундай “маданий таҳдид”лар

бир қарашда кўзга ташланмагани боис уни даъфатан таниб олиш мушкул. Ваҳоланки “оммавий маданият” жамиятнинг маънавий ахлоқий қадриятларини, бир сўз билан айтганда миллий маиший ҳаётни зимдан таъқиб қилиб боради, ҳатто миллий, диний тарбиядан, урф-одатлардан бегоналашиши, уларни менсимасликка даъват қилиш хашари ҳам ккузатилаётганлиги ташвишланарли, албатта.

Европапарастлик ва америкача маданият таъсири, шу таъсирга жиддий мойиллик — "оммавий маданият"га эргашиш, одатда, дунёкараши, онги тўлиқ шаклланмаган, миллий ғоя ва қадриялар моҳиятини англаб етмаган ёшлар орасида кўпроқ кузатилмоқда. Миллий маданият асослари, мазмун-моҳиятидан бегона руҳиятда вояга етаётган ёшлар табиий равишда санаб ўтилган маданиятларга тақлид қилади ва бундан манфаат изловчи турли ёт кучлар қурбонига айланиб боради. Турли нодавлат газеталарни "безаб" турган ўзга маданият вакиллариининг сурат ва коллажлари, "FM" радиостанциялари орқали тинимсиз таралаётган ғайримиллий мусиқалар, шоу-дастурлар муайян маънода миллий маданиятга бўлган эътиборни сусайтиради ва маънавий-мафкуравий соҳаларда амалга оширилаётган ишларнинг самарасини камайтиради. Шу нуқтаи назардан, Мексика телесериаллари, Голливуд фильмлари, "Уолт Дисней" мультфильмлари руҳида тарбия топаётган ёш авлод "оммавий маданият" жодусидан ўзини сақлай оладими, деган савол барчамизни ташвишлантириши лозим. Зотан, биз шу соддадил халқнинг фарзанди эканмиз, ёдда тутмоғимиз лозимки, ҳеч кимга унинг ахлоқий қадриятларини, қалб кечинмаларини эрмак қилиш ҳуқуқи бе-рилмаган. Айрим хусусий нашрларда тўхтовсиз, таъбир жоиз бўлса, "ким ўзар"га эълон қилинаётган "ижод" намуналарини миллат маънавиятига тажо-вуз, деб баҳолаш мумкин. Ўзбек менталитетининг ёрқин ифодаси бўлган уят, ор-номус, андиша, ғурурни ("эр йигитнинг уялгани — ўлгани", "уят — ўлимдан аччиқ қаби халқ, мак,оллари бунинг исботи) арзон пуллаётган, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, топтаётган

"хамкасб"ларимиз зиммаларидаги улкан масъулиятни унутгани аниқ. "Оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, муסיкий асарлар, тасвирий санъат, киноматография "оммавий маданият"нинг "локомотив"лари ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб жамиятимиз ҳаётига теранроқ назар солсак, аён бўладики, интернет тармоғи, хорижий телеканаллар, уяли алоқа тизими ва бошқа воситалар орқали тарқатилаётган турли ғайримиллий ғоя ва қарашлар ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатяпти. Шу маънода хусусий нашрларнинг савияси, эълон қилинаётган мақолалардаги маънавий масаласи энг долзарб муаммолардан бири сифатида юзага қалқиб чиқяпти, дейишга асос бор.

Шу ўринда таъкидламоқ жоизки, глобал олам муаммолари хали бизга тааллуқли эмас дегувчилар қаттиқ адашади. Кеча фақат кулоққа айтиш мумкин бўлган гаплар бугун очик-ошкора оила даврасида, хатто оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилинаётгани, ўзбекнинг ўзбеклигини манаман деб кўрсатиб турадиган тутумларга нисбатан ётсираш кайфиятининг вужудга келаётгани "оммавий маданият" хатари миллий қадриятларимиз чегарасини бузиб киришга жиддий уринаётганининг яққол далилидир.

Модомики, "оммавий маданият" ғоя экан, унга қарши қандай ғоя билан курашамиз? "Оммавий маданият"га жон бахш этиб турган бизнесга-чи? Унга нимани қалқон киламиз?

Ана шу саволларнинг ўзиёқ "оммавий маданият"га қарши туриш осон кечмаслигини руй рост кўрсатади.

Одатда, бу масалага ечим сифатида тарбия миллий бўлиши зарурлиги, ёшларни миллий руҳ асосида вояга етказиш лозимлиги қайта-қайта таъкидланади. ХХІ аср бошида ҳам бу муаммо кун тартибидан тушмаётгани маърифатпарвар Абдулла Авлони тарбияни ҳаёт-мамот масаласи сифатида талқин этгани бежиз эмаслигини кўрсатади. Лекин яна бир ҳақли савол тугилади: ким ёш авлодни миллий руҳда тарбиялайди?

Бизнингча, бунинг учун тўлиқ маънода миллий руҳни ўзида мужассам этган жамиятнинг интеллектуал элитасини шакллантириш зарур. Хорижий тиллар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш - давр талаби албатта, аммо бу интеллектни белгиловчи бирдан-бир мезон ёки ўлчов бўла олмаслиги ҳам эътибордан соқит қилинмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам кенг миқёс касб этаётган глобаллашув жараёнида миллатга хос бўлган барча сифатларни жамиятнинг интеллектуал элитаси сақлаб қолиши, ўз навбатида ёйиши, келгуси авлодга етказиши мумкин.

“Президентимиз бундан икки йил олдин 9 май — Хотира ва кадрлаш куни арафасида журналистлар билан ўтказган суҳбат-мулоқотида шу масалага тухталган, Интернетни катта бир дўконга қиёслаган эди. *"Бу дўконга кирган одам ўзига керакли молни харид қилади. Лекин гап мана шу дўкондан нимани олишда,"* деган эди Юртбошимиз. Мулоқотда адабий-илмий сайтлар яратиш муҳимлиги алоҳида таъкидланганди. Шу маънода миллий тараққиётга хизмат қила оладиган анъана ва қадриятларни соф ҳолда сақлаш ва уларнинг тўлақонли тарғиботига эришишнинг янги, ноанъанавий усул ва услубларини ишлаб чиқишдаги сусткашликка ортиқ тоқат қилиб бўлмайди.

Аслида зуваласи шу заминдан корилган одамга ёт-бегона мафкуранинг сингиб кетиши жуда қийин, қачонки у шу нарсага эҳтиёжманд бўлмаса! Бизнингча, ғоя ташиётган маҳсулотнинг танқислиги ва харидоргирлиги ғоянинг сингиш даражасига тақрибан тенгдир. Бу — матоси беҳад тежалган тору танг либос яъни моддий товар бўладими ёки ёш авлод киприк қоқмай термилаётган қаҳрамони дам-бадам севгисининг исботига киришиб кетаверадиган хориж сериаллари — маънавийсими, бундан катъи назар, эҳтиёжмандлик уни шунга ундайди. Хорижнинг "хурозканди"га муносабат масаласида Фармонбининг ташвиши бугун ҳам аҳамиятини йуқотмаган кўринади. Демак, муаммонинг олдини олишда иқтисодий омилларни ҳам эътиборда тутиб иш кўрмоқ лозим.

Яна шуни ҳам эътироф этиш керакки, мустабид тузумнинг узок давом этган зуғум ва хуружлари ўзбек миллатини маҳв эта олмади, ўзлигидан, кўхна қадриятларидан айиролмади. Боз устига, "оммавий маданият" хуружи собиқ империя қулаши билан ҳам бархам топиб кетмади. У энди замонавий қиёфада — интеграциялашиш, либераллашиш, демократлашиш ниқобида яшай бошлади. Ачинарлиси, у ҳали-ҳамон умуминсоний қадриятлар, кишилиқ тамаддуни эришган энг ҳаётбахш тушунчалардан қурол сифатида фойдаланмокда. Президентимиз ҳар гал куюнчаклик билан бу хатарга қарши курашнинг мустаҳкам механизмини шакллантириш лозимлиги ҳақида фикр билдирар экан, "оммавий маданият" ниқобидаги тушунчалар билан умуминсоний қадриятлар ўртасидаги тафовутни нозик илғаш муҳимлигини таъкидлайди. Хулоса сифатида айтсак, чин ва сохта қадриятлар ўртасидаги чегарани белгилайдиган "қизил ип" тобора инжалашиб, кўринмаслашиб борапти. Лекин халқимиз ҳар қандай шароитда ҳам асл қадриятларига содиқ қолган ва миллий манфаатларига мос қадриятларнигина тан олган, ўзлаштирган. Демокчимизки, "оммавий маданият" ниқобидаги истилочиликка қарши курашда ўзбек халқида иммунитет мавжуд. Аммо бу таскин олдимизда кўндаланг турган реал ҳавфни менсимаслик ёхуд бемалолчиликка асос бўлолмайди. Бинобарин, Юртбошимиз таъкидлаганидек, бундай узокни кўзлайдиган, аниқ мақсадларга эга бўлган турли хуруж ва ғаразли интилишлар, хорижий марказлар томонидан катта куч, маблағ сарфланаётган ҳаракатлар ва бу каби ҳавф-хатарлар бизга қандай зарарли оқибатлар олиб келишидан огоҳ бўлишимиз даркор.

Бугун бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳали замонавий ахборот технологиялари ҳар жиҳатни қамраб олаётир, ҳар соҳада компьютерларнинг ўрни беқиёс. Бу ускуна билан ишлашни 5 ёшли бола ҳали билиш ҳеч кимга сир эмас. Интернет тармоқлари қулоч очгани сайин ўргимчак тўри каби фарзандларни ўзига тортмокда. Жорий йилнинг бошида Ўзбекистонда

интернетдан фойдаланувчилар сони 2,74 млн.ни ташкил қилинган. Сўнги интернет тармоғидан кенг фойдаланадиган абонентлар сони 2 бароварига ортган ва 69 минг фойдаланувчига етган. Компьютер хоналарига, клубларига кирсангиз у ердаги ёшларнинг 80-90 фоизи илм билан эмас, ўйин билан бандлигини кўрамиз. Улар билим олиб, келажагига замин яратиш ўрнига олтиндан қиммат вақтларини ўйнаб ўтказиб юбораётганига ачиниб кетасан киши. Мактабда тушлик қилиш учун берилган пулни зарарли ўйинларга сарфлаб у ерда фақат жангари ўйинлар ўйнаб, бераҳмлиқ ва ваҳшийликни ўрганди холос. Энг оғир оқибат бу фарзадларимиз маънавиятининг барбод бўлиши, миллатимиз манфаатларига жиддий зиён етказилиши. Бугунги кунда компьютер клубларини тартибга солиш вақти келди.

Бугун мамлакатимизда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш учун кенг имкон бор. Улар интернет тармоқлари орқали исталган маълумотга эга бўладилар. Бироқ интернет фаоллиқ ҳали ўз ўрнига, ўз чегарисида ишлатилмаса, хавф туғдириш мумкин. Шу асосда кўпроқ интернет кафеаларга 10-14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар келиб, уларнинг аксарияти “Контр стройк” стратегия ўйинлари, жанглари ўйинлар ўйнаши, турли танишув сайтлари ҳамда баъзида маънавиятга тўғри келмайдиган сайтларга кириши аниқланди.

Аслида компьютер ўйинлари турли босқияларга бўлинади. Муваффақитсизликка учраса, яна авалги босқичга қайтади. Бу эса болаларда ғазабланиш, аччиқланиш, ҳолатларини юзага келтиради. Ва ўз-ўзидан бола компьютерни эмас, ўзини-ўзи ёмон баҳолаш камайиб кетади. Бу болада иродасизликни вужудга келтиради. Бола ўз навбатида мазкур ўйинни ўз ёши, билим даражасига мос келмаслигини тушуниб етмай туриб, ўйнаётганини ҳаёлига ҳам келтирмаслиги мумкин. Лекин кўр-кўрона сотишга бўлган ҳаракат ва мақсад уни тарк этмайди. Бола психологиясида бу ҳолат узоқ муддат сақланади, натижада ана шу бош миядаги устунлиқ янги билимларни

ўзлаштиришга йўл бермайди. Натижада дарсларни англаб етмаслик вужудга келади. Бола ҳар қандай ўйинда ички нутқдан фойдаланади, компьютерда эса, ўйин фақат болани тасаввурлари орқали амалга ошади. Натижада у ҳаётда ҳам шундай бўлиши деб ўйлайди ва доим шу ҳаёлда юради. Компьютер ўйинлари қачон боланинг ақлий жиҳатдан ривожланишига имкон яратади. Қачонки у боланинг ёшига хос муаммоли вазиятнинг ёшига хос муаммоли вазиятни ҳал қилишга қаратилган бўлиб, имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган дастур асосида бўлса, айти пайтда компьютер клубларини тартибга солиш вақти келди. Ҳозирги кунда шаҳримизда компьютер хоналар кутубхоналардан кўп. Улардан яхши даромад олиш мумкин. Интернет кафелар бўлсин, бироқ тартиб интизом йўқ. Жуда бўлмаса “ишбоши”ликни ёши каттароқ маънавияти шаклланган кишига топшириб, миллатимиз ва ёшларимиз маънавиятига қарши иш қилмасликни уқтириб қўйиш керак.

Бу масалага хорижда қандай йўлга қўйилган:

2001 йилдан бошлаб Хитойда бу борада қаттиқ – чора тадбирлар кўриб бошланган ва қатор интернет кафелар ёпилган. Саудия арабистонида эса интернет кафелар фаолияти бироз чеклаб қўйилган. Интернет 18 ёшга тўлмаганлар учун таъқиқланган. Улар фақат ота-оналари билан келишишлари лозим.

Филлипинда мактабларда 1000 та интернет кафе очиладиган бўлди ва қаттиқ тартиб асосида сайтлар фиётрдан ўтказилди.

Ҳиндистонда эса баъзи бир компания бўлиб, 500-600 интернет кафелар фақат 4 та йирик шаҳарларда мавжуд эди. Дехли, Бомбей, бангапор, Мадрасда.

Японияда эса “Макдональд” тамаддихоналарига юқори кўламдаги интернет тармоқларидан фойдаланиш режа қилинган. Шунга кўра бу давлатда интернет кафелар сони яна 4 минггага кўпаяди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда интернет кафеларда назорат ўрнатиш, ўсмирлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи ўйинларни таъқиқлаш йўлида талай чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Бу борада:

- инсонининг интеллектуал қобилиятини шакллантирувчи мантиқан фикр юритишга ундовчи флеш-ўйинларни ишлаб чиқиш;
- хусусий тадбиркорлар билан улар компьютерларга ўрнатган ўйинларнинг болаларга салбий таъсири тўғрисида суҳбатлар ташкил қилиш;
- ишлаб-чиқарилган флеш ўйинларни ва улар рекламасини тадбиркорларга таклиф қилиш;
- синф раҳбарлари, ота-оналар билан интернет ўйинларининг зарари тўғрисида кенгроқ ёритиш ишларини олиб бориш;
- маънавиятга тўғри келмайдиган сайтларга интернет тармоқ филтрлари ўрнатиш;
- болаларга мўлжалланган ОАВ ва интернет ресурсларда ўсмирлар учун энг яхши болалар китоблари каби баҳслар ўтказиш, уларни болалар ҳам олиб бориши;
- ота-оналар масъулиятини ошириш, дарсдан сўнг болага назоратни кучайтиришлари мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганимизда, замонавий маданиятни холисона тахмини шуни кўрсатмоқдаки, маънавий маданият кўпроқ оммавийлик касб этиб бормоқда.

Оммавий маданиятнинг қиёфаси қуйидагича:

- У миллати, ёши, жойи, ижтимоий хусусиятларга боғлиқ бўлмаган оммавий истеъмолчиларга эга бўлади.
- Бу маданиятдаги намуналарни яратган жараённинг ўзи оммавий хусусият касб этиб, индустриянинг махсус кўришини ўзида намоён қилади, яъни унда 100 минглаб кишилар банд бўлиб уларнинг “Матбут қироли”, “Буюк шоу томошачилари”, “кино”, ТВ, эстрада юлдузлари бўлади.

Юқорида биз Ғарбда “Оммавий маданият”нинг тарихи, туғилиши манбалари тўғрисида сўзладик. Ҳозир-чи? Ҳозирга келиб эса бу тамойиллар янада ғовлаб, томир отяпти. Маслан, “поп-музыка”га хос ўша ритмик “бит”(зарб), кўшиқ ниқобидаги алаҳсираш, валдирашга яқин дидсиз “репп”лар таъсири дунё миқёсида тарқалиб миллий мумтоз ва халқ мусиқа санъатидан одамзотни узоқлаштирмоқда. Ғарб давлатларининг айримларида “оммавий маданият” тарқатаётган “порпография” (шармсизлик, ҳаёсизлик), ҳамда садизм (зўравонлик) тарғиботи йўлидаги ғовлар, қарангки, суд қарорлари асосида бирин-кетин олиб ташламаяпти. Ҳатто АҚШ мактабларида “янги рок” мусикалари ўқув дастурларига киритилган.

“Оммавий маданият” мактабининг “натижалари эса яққол кўриниб турибди. Масалан, АҚШнинг айрим мактабларида содир этилаётган портлашлар, болаларнинг савдоси, вос-вос кимсалар кўлида қурбон бўлаётгани, ёшлар феълида кучайиб бораётган агрессивлик жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали ҳаммага маълум”. “Экканингни ўрасан”, деб шунга айтсалар керак-да.

Афсуски, ер юзидаги ахборот алмашинуви мислсиз тезлашган ҳозирги глобализм шароитида, ғарбдаги “марказлар” бундан фойдаланиб. Бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида Ғарб ҳаёти “жозибаларини,” жумладан “оммавий маданият” таъсирини, “эркинлик шабодалари” тарзида имкон қадар кенг ёйишга энг шимариб ҳаракат қилмоқдалар.

АҚШнинг таниқли сиёсатшуноси Збигнев Бжезнский шундай ёзади: “маданият соҳасида Америка жаҳон ёшлари орасида алоҳида жозибадорлиги билан ажралиб туради.” Бу эса АҚШга жаҳоннинг ҳеч бир давлатига насиб қилмаган сиёсий таъсирни таъминлайди. Айниқса, Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жаҳон бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллайди. Унинг оммабоп мусиқаси, америкаликларнинг қизиқишлари, овқатланишларидаги одатлари ва ҳатто, кийинишларига бутун дунёда тақлид

қиладилар. АҚШ сиёсати ва мафкураси намояндалари ўз мамлакатлари манфаати, сиёсати ва турмуш тарзини фақат китоблар, публицистик чиқишлар орқали тарғиб этиш билан челаниб қолаётганлари йўқ. Дунё халқларини “ғарблаштириш”га уринишлар қуроли сифатида, маслан, “оммавий маданият” воситаларидан, турли-туман ахборот тараққиётини (реклама, матбуот, кино, телевидение каби) йўлларида зўр бериб фойдаланилмоқда.

Албатта, халқимиз, жумладан ёш авлод ғарб фан-техникаси маданияти, адабиёти санъатининг илғор жиҳатларини инкор этмайди. Бироқ ғарбдаги тараққийпарвар зиёлиларнинг ўзи “ғарбнинг муаммоси” сифатида баҳоланаётган “оммавий маданият”нинг маънавий-ахлоқий тубанликлари ёшларимиз қанча тез англаса, шунга яхши.

Тўғри, биз демократия даврида яшаймиз. Жамиятимизда қизиқиш ва майлларга ҳурмат билан қаралади. Аммо ҳурмат билан қаралади. Аммо хатарли қизиқиши ва майллардан давлат ва жамият ўзини ҳимоя қилиши лозим.

2.2. “Оммавий маданият” ва ахборот хавфсизлиги.

Глобаллашув ва интеграция жараёнида ахборот кураш ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш ҳам муаммоли масалалардан биридир.

Бунда ахборот балансининг ўзгариши, дунё ахборот майдонида айрим мамлакатларнинг устиворлик қилиш анъанасининг кучайиши техник жиҳатдан кучли давлатларнинг бошқа давлатлар аҳолисига ўзларининг халқ, давлат ва маданиятларини сингдириш ҳамда шакллантиришга уринишлари каби муаммоларни ўрганиш долзарбдир.

Юқори технологияларнинг кучли ривожланиши натижасида оммавий ахборот воситалари ёрдамида ахборот-психологик кураш олиб бориш имконияти кескин ошди. Бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситалари тури кенг аудиторияга бўлган таъсирини кучайтирмоқда: телеведения, тасвир, овоз ва мантиқий образли фикрлаш ёрдамида; радио жонли овоз ва мантиқий образли баён, даврий матбуот, тасвир расмлар орқали. Интернетнинг ривожланиши натижасида онлайн журналистикаси пайдо бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот экспанцияси, телевидение ва интернет ёрдамида ғарб “универсал” маданиятининг дунё бўйича тарқатилиши барча мамлакатлар учун катта хавф туғдирмоқда. Бундай таҳдид шу қадар кучлики, ҳатто у турли дастурлаш йўллари орқали элат, миллат ва халқлар онгига сингдирилмоқда. Оқибатда “маданий тажовузкорлик” ва инсон ҳуқуқлари экспанцияси тушунчалари ҳам пайдо бўлди. Демак ахборотни қабул қилиш маданиятини шакллантириш-долзарб муаммолардан биридир.

XX аср ўрталаридан фан ва техника тараққиётини кучли ахборотлар йиғилишини пайдо қилди.

Оммавий ахборотлар воситалари (ОАВ) матбуот, радио, телевидение, кино, компьютер алоқаси замонавий соқмаданият жараёнида салмоқли ўрин эгаллай бошлади. ОАВ ёки бунинг бошқача mass media деб ном олган тури ахборот узатишдаги каналларнинг кўплиги, тезлиги ва узоқ ишлаши билан улкан ҳажмдаги ахборотларга эга бўлмоқда. 1940-50 йилларда ГМ.Макмоэн асарларида оммавий коммуникация биринчи марта маданиятнинг янги тури ва кишиларнинг ижтимоий муносабатидаги мутлақо янги тип сифатида таърифланади. Унинг фикрича бу восита инсонларнинг ахборот олишда қудратли кучга айланади.

ОАВ электрон техника ва йўлдош алоқалардан фойдаланиб, кишиларни ижтимоий ходисалар ва маданий бойликларини бир вақтда идрок қилишга ундайди. Г.Э.Макмоэн таъкидлаганидек “ҳаммабоп ва ома ёқтирадиган янги дунёвий электрон маданият шаклланмоқда.”

Ҳақиқатдан ҳам замонавий маданиятнинг холисона таҳлили шни кўрсатадики, маънавий маданият кўпроқ оммавийликни касб этиб бормоқда.

Оммавий маданиятнинг қиёфаси қуйидагича:

1. У миллати, ёши, жойи, ижтимоий хусусиятларга боғлиқ бўлмаган оммавий истеъмолчиларга эга бўлади.

2. Бу маданиятдаги намуналарни яратган жараённинг ўзи оммавий хусусият касб этиб, индустриянинг махсус кўринишини ўзида намоён қилади, яъни унда юз минглаб кишилар банд бўлиб, уларнинг “матбуот қироли”, “Буюк шоу томошачилари”, “кино ТВ ва эстрада юлдузлари” бўлади.

Оммавий маданият кишиларни ҳаётни бефарқ кузатувчи томошабинга айлантиради. Ўзлари ҳам мавжуд ҳаётни гўё сароб каби тасаввур қиладилар.

Европа олимлари Ортега ва тасетлар оммавий маданиятнинг таъсир доирасини таҳлил этиб, омма ўзига, шахсга ўхшамай қолиши, кимки бошқаларга ўхшамаса, шулардек фикрламаса таҳликада қолишини айтиб:

“Омма – бу йирик йўналишсиз оқим билан сузаётган одамлар. Шунинг учун улар қобилият имкониятлари катта бўлишига қарамай, ҳеч нарса яратмайди. Оммавий одам ахлоқдан маҳрум, чунки унинг моҳияти, онги бурчига итоатдадир.”, деган эди.

Оммавий маданият умумий истеъмолчилик эҳтиёжи билан боғлиқ. Унинг асосида истеъмол талаб товар сифатида харидоргир бўлиши маънавий эҳтиёжи ётади. Оқибатда ҳозирги замон маданиятидаги маънавий қадриятлар тор доирасидаги эҳтиёжларни қондириш воситасига айланади. Маданиятнинг чуқур маъно-моҳияти, хотира чексизлиги “одатий”. “умумий” қимматлар ҳақиқий ижод аввалдан маълум, мавжуд намуна асосидаги “асарлар” яратиш ва ишлаб чиқариш (киносериаллар, адабий-бадий асарлар, мақолалар ва бошқалар) билан алмашинади. Шахс ўзининг ижодий қобилиятдан ажралиб, тайёр маданий маҳсулотлар истеъмолчисига айланиб қолади. Хусусан ёшлар учун оммавий маданиятнинг хатарли оқибатларини Президентимиз И.А.Каримов бир неча бор қайд этган эди. Жумладан; “Фидокор” газетаси мухбирининг саволларига жавобларида:

“... дунёда бир қарашда беозор, сиёсатдан ҳоли бўлиб туюлган. Шундай мафкуравий таъсир воситалари ҳам борки, уларга кўпдан етарлича эътибор беравермаймиз”..., “Тарихдан маълумки бир халқни ўзига тобе этишни истаган кучлар, аввало, уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади...”, “... маълумки, ҳар қандай касалликни олдини олиш учун аввало киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳали фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас диния соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур”⁹, -деб таъкидлайди. Ҳар бир инсон икки йўлдан бирини танлмоғи ё истеъмолчи тарзида оқим билан сузмоғи, ёхуд ўзига ўзлигига нисбатан талабчан бўлиб

⁹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир./ Ўзб.,2000.-24 сент/

гирдобдан чиқмоғи лозим. Инсоният тобора техника тараққиёти ва оммавий коммуникациянинг социал ва экологик жиҳатдан назоратга олиш, бугунги одам маънавий қиёфасини бир хиллаштиришга қарши жиддий тўсиқ қўйиш заруратини англамоқда. Ушбу масалани ўта кескинлигига эътиборни қаратиш, мавжуд муаммоларининг ечиш йўллариини белгилашда 1990 йилларда БМТ Бош Ассамблеяси эълон қилинган маданиятнинг умумжаҳон ўн йиллиги муҳим босқич бўлди. “ўн йиллик”нинг асосий мақсади иқтисод ва техника тезкор ривожланаётган ҳозирги даврда умуминсоний маданий кадриятларнинг биринчи даражали аҳамиятини тиклашдан иорат бўлиб, бунда амалий жиҳатдан қўйидаги вазифаларни ҳал этиш масаласи қўйилади:

- тараққиётни маданий юксалтириш зарурлиги ва маданий ўзига хосликни ҳамда маданий мулоқатларни тан олиш;
- моддий ишлаб чиқариш билан ижодкорликнинг алоқадорлик йўллариини белгилаш;
- индивидуал ва жамоат тимсолида ижодий потенциал ва ташаббускорликни қўллаб қувватлаш;
- халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантириш;

XXI асрда маънавий омилларнинг инсоният тақдиридаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганлигини англамаслик, мумкин эмасжаҳонда кучли глобаллашув ва интеграция жараёнларининг жадаллашуви натижасида шахс ва унинг маънавий-ахлоқий камолоти масаласи инсон ҳамда жамият муносабатлари муаммолари жуда кескин тарзда кун тартибига қўйилмоқда.

Мамлакатимизда бу борадаги вазифалар доимо жамият эҳтиёжлари нуқтаи назаридан миллий маънавий манфаатларасносида ҳал этилмоқда. Шунинг учун ҳам халқимиз-мамлакат Президенти ва ҳукумати томонидан ушбу йўналишда олиб бораётган ишлардан қониқиш ҳосил қилмоқда. Юртбошимизнинг “бу борада айниқса юртимизда миллатлар ва динлараро тинч-тотувликни мустаҳкамлаш, маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш,

тарихий илдизларимизга, миллий ўзлигимизга қайтиш, аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган ишларимиз муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз дейишда катта аҳамият бордир”.¹⁰

Айни пайтда алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида жамиятни маънавий-руҳий жиҳатдан бойитишда, кишилар тафақурини ўзгартиришда маълум ютуқларга эришилган бўлса- да, ҳали бу борада қатор муаммолар мавжудлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Юртбошимизнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиги байрами байрамига бағилаб ўтказилган кўшма мажлисдаги баён этилган қуйидаги фикрлари ўта муҳим ва бизнинг фаолиятимиз, ҳаракатимиз учун дастурдир:

“Биз, - дейди И.Каримов, бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган маънавий-ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “Оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак.”¹¹

Юқорида билдирилган фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, биринчидан, маданий-маърифий омиллар булар ижодий жараён ҳисобланади. Иккинчидан, жамиятни, миллатни ҳар қандай инқироз ва бўҳтонлардан сақлаб қоладиган нарса-миллий маънавият ва миллий ахлоқдир. Учинчидан, жаҳонда “оммавий маданият”нинг хуружи мавжудлиги исбот талаб этилмайдиган ҳақиқат. Ундан қутулишнинг ягона йўли эса давлат ва миллатнинг ўз миллий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлашдир. Тўртинчидан, ҳар қандай миллий маданият миллий ғоя билан уйғун ҳолатда мавжуд бўлган.

¹⁰ “Халқ сўзи”, 2007 й. -31 авг.

¹¹ “Халқ сўзи”, 2008 й. -31 авг

Президент И.Каримов қайд этганидек; “агар бундан ўн беш йил олдин республикада 475 та оммавий ахборот воситалари бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 1110 тани ташкил қилмоқда. Уларнинг 600 дан зиёди вилоятларда фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга мавжуд 90 та нашриёт, 1300 дан ортиқ манбаа корхонасининг моддий техника баъзаси мустаҳкамланиб, маҳсулот сифати юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз бу соҳада истиқлол йилларида катта тараққиёт йўлини босиб ўтганидан далолат беради.”¹²

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида ОАВнинг ҳуқуқий мақоми баён этилган бўлиб, унда “Оммавий ахборот воситалари” эркиндир, қонунга мувофиқ ишлайди. “Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардир. “Цензурага йўл қўйилмайди”,- деб таъкидланган.

Мазкур қонуннинг асосий қонунда мустаҳкамланганлиги, биринчидан фуқароларнинг ўз фикрларини эркин тарзда матбуот, радио, телевидение орқали ёзма ёки оғзаки чиқишларда ифодалаш ҳуқуқини кафолатласа, иккинчидан, ОАВ га берилган юксак эътибор бўлди. Ушбу конституциявий қонунда ушбу муҳим тамойил: ОАВнинг эркинлиги, улар фаолиятида қонун устиворлиги, ҳамда цензурага йўл қўймаслиги белгилаб қўйилди. Айни вақтда ахборотнинг ҳаққонийлиги нуқтаи назаридан масъулият журналистлар зиммасига юкланиб, юридик жавобгарлик белгиланиши назарда тутилди. Бундан кўзланган мақсад ОАВ томонидан эхтиросга берилиш оқибатида нотўғри ва ноўрин ахборот тарқатилишининг олдини олиш, уларга чек қўйишдан иборат эди.

Ўзбекистон ОАВ тарихидаги энг муҳим воқеалардан бири 1996 йилнинг май ойида Республика ахборот воситалари жаҳоннинг йирик “Интернет” тизими билан алоқа ўрнатиб, ундан энг сўнгги янгиликларни қабул қилиш

¹² Ўзб.Респ.Президентининг “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги”//Халқ сўзи, 2009.- 27 июнь

имкониятини қўлга киритгани бўлди. Натижада, жаҳонда рўй берган ёхуд содир бўлаётган воқеа-ходисалар ҳақида ОАВ орқали тўғридан-тўғри ахборот олишнинг имкониятлари кенгайди.

Қабул қилинган бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар орасида 1997 йил 25 декабрдаги Ўзбекистон республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги “Қонуни” алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур Қонун 30 моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддасида ОАВ га батафсил таъриф берилган: “Газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидения (кабелли, эфир - кабелли) ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир”. Умуман “оммавий ахборот воситалари” деганда, нафақат газета, журналларни балки радио-телевидениени, кино индустрияни, “жамоатчилик билан алоқалар”га масъул ташкилот ва тузилмаларнинг маҳсулотларини рекламани ва нафақат илмий балки, бадиий адабиётни ҳам тушуниш тўғрироқ бўлади. Зеро, уларда ҳам муайян ахборот акс этади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларда ОАВ қуйидаги асосий вазифаларни бажармоқда.

А) Фуқароларни юз бераётган воқеа-ходисалардан ўз вақтида хабардор қилиш;

Б) Бошқа фуқаролар ва ижтимоий институтлар билан муносабатларни нималар асосида қуриш мумкинлиги тўғрисида маълумот бериш;

В) Воқеа-ходисаларга нисбат фуқароларда мустақил фикрлаш ва баҳолаш тафаккурини шикллантиришга кўмаклашиш;

Г) Ижтимоий нормалар ҳамда қонунчиликка зид келадиган фаолиятни танқид ва фош қилиш;

Д) Жамият ва ҳокимият, аҳоли ва давлат ўртасида воситачиликни амалга ошириш;

Ўзбекистонда қадимдан турли маданият ва тамаддун (целевизация)лар ёнма-ён яшаб келган, бу эса бағрикенглик, тинчликпарварлик саҳоват ва меҳр оқибатлилик, фазилатлари билан ажралиб турадиган ўзбек халқининг ўзига хос менталитети шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳол мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатга мансуб халқларнинг ўзига хослиги ҳамда бетакрорлигини сақлаш, шунингдек тарихан шаклланган қадимий миллий маданиятлар, санъат ва халқ ижодиёти, анъана ва урф-одатларининг яқинлашуви, бир-бирини бойитиш, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат муҳитини қарор топтириш учун имкониятлар очилишига асос бўлди.

XX аср охирида бошланган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар, яъни глобаллашув жараёни, ўзаро боғлиқликнинг кучайиши ва интеграциянинг тезлашуви, ижтимоий тизимлардаги ўзгаришлар, жамият ҳаётининг эркинлашуви ва демократиялашуви, миграция ва урбанизация жараёнларининг кенгайиб, чуқурлашиб бориши, бир томондан, жаҳон ҳамжамиятнининг ўзаро уйғун ривожланишига, иккинчи томондан эса миллатларни бир-бирига яқинлашиб боришига сабаб бўлмоқда.

Кейинги масала ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш системасининг компонентлари ва мазмуни ўрганилиши билан боғлиқ. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш системасининг компонентлари қуйидагилардан иборат:

- ахборотдан фойдаланишда инсон эркинлиги ва ҳуқуқини таъминлаш фуқаролар томонидан очиқ тармоқлардан ахборот олиш имкониятларини яратиш, мамлакатни маънавий ривожланиши борасидаги жамиятнинг психологик ҳимояси ва маънавий қадриятларининг мустаҳкамланиши, ватанпарварлик ва инсонийлик маданий ва миллий потенциални таъминлаш ҳамда кучайтириш;

- давлат сиёсатини ахборий таъминлаш, маҳаллий аҳолига ҳамда чет эл аудиториясига мамлакатнинг ижтимоий ҳаёти ва давлат нуқтаи назари, долзарб ички ва халқаро воқеа ҳодисалар ҳақида объектив ахборот бериш;

- маҳаллий ахборот технологияларини миллий ахборот индустриясини, ахборотлаштириш воситаларини, телекоммуникация ва алоқаларни ривожлантириш, маҳаллий ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш уларни сақлаш, янги йўналиш ва технологияларни шакллантириш.

Яна бир муаммо ахборот психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари, асосий йўналишлари ва усуллари билан боғлиқ. Бу ерда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги миллий манфаатларни ҳимоя қилиш вазифалари, турли таҳдидларга қарши кураш усуллари ва фаолиятнинг асосий йўналишлари (сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва ташкилий, техник ижтимоий-иқтисодий таҳлилий ва тадқиқот) ҳақида фикр юритилади.

Давлат жамиятнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминловчи асосий институтдир. Жамиятни бошқариш эса, сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий, ижтимоий-психологик усуллар орқали амалга оширилади ва буларнинг негизида, энг аввало инфор­мацион бошқариш мавжуд.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг маънавий-маърифий аспекти фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, ОАВ ходилари фаолиятнинг ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларига қатъий амал қилиш ахборот-психологик хавфсизлигини муҳим шартларидан бири сифатида таъриф этилади. Ушбу хавфсизликни тахминлаш бўйича илмий-таҳлилий ва ўқув-услубий фаолиятнинг таркибий ҳусусиятлари, восита ва босқичлари тушунтирилади.

Навбатдаги масала очик оммавий ахборот системалари шароитида шахснинг психологик ўз-ўзини ҳимоялаши ҳақида. Табиийки, инсон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий системаларининг марказий бўғини. Инсоннинг руҳий ҳолати энг аввало унга етказиладиган ахборот мазмунига боғлиқ. Демак, бу ерда ғоя унинг турлари шакл ва ҳусусиятлари ва энг муҳими миллий

истиклол ғояси унинг таҳлили манбалари ҳамда мақсадларини ўрганиши катта аҳамият касб этади.

Турли ҳолатларда инсон ўз-ўзини тутиши, шакллари ва психологик ҳимоялаш алгаритми, очиқ ахборот системалари билан боғланиш шароитида психологик ҳимоя усуллари, ахборотни фойдали ва заралигига ажратиш куникмасини ишлаб чиқиш ҳам мавзунинг вазифаларига киради. Психологик барқарорлик пойдевори-борлиққа, ўз имкониятлари ва давлат имкониятларига соғлом қарашни тарбиялашдир.

Фан муаммолари ичида жамоатчилик фикри ва жамиятининг ахборот психологик ҳимоясини таъминлаш деган тушунча ҳам бор. Оммавий онг хусусиятлари психологик манипуляция технологиялари ривожланишига олиб бормоқда. Демак, ахборот соҳасида жамиятнинг психологик иммунитетини шакллантириш зарурати бор. Бу ерда миллий маданият, урф-одатлар, фуқоролик позицияси, ватанпарварлик туйғулари-бегона ғояларга қарши иммунитетнинг асоси сифатида хизмат қилади.

Ижтимоий фир жамоатчилик онгининг муҳим кўриниши ва фуқоролик жамияти ҳолатининг мезони, шунинг учун унинг аҳволи ва табақаланиши мониторинг орқали ўрганиш ҳамда ОАВ ёрдамида шакллантириш –мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг таркибий қисмидир.

Ўзбекистонда оммавий ахборот вазифалари ва жамиятининг ахборот психологик хавфсизлигини таъминлаш ғоят муҳим масаладир. Унда республикамизнинг турли соҳаларида ахборот – психологик хавфсизликнинг ҳолати ва хусусиятлари, уни кучайтириш бўйича вазифалар ва чора тадбирлар, ушбу йўналишдаги халқаро ҳамкорлик бўйича фикр юритилади.

Ўзбекистондаги ОАВ таркиби ситемаларини доимо ўрганиб бориш , айниқса, замонавий ахборот бозорини шакллантириш ва ривожлантириш осон эмас. ОАВ бўйича қонунчиликни мукамаллаштириш, фуқороларга очиқ

давлат ва нодавлат ахборот тармоқларига йўл очишни таъминлаш, маҳаллий ОАВ томонидан аҳоли психологиясини менталитетини иноватга олиш зарур.

Чет эл оммавий коммуникация воситаларининг таъсирига нисбатан барқарор психологик мутаносибликка эришишнинг йўли ва воситалари кўп, булар ичида Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий бойликларини маҳаллий ОАВ фаолиятининг устувор йўналиши сифатида эътироф этса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса, сифатида айтиш мумкинки, мутахассисларга эътироф этганларидек, бугунги кунда республикамизда бевосита ахборот-психологик хавфсизлик йўналишида мутахассислар мактаби ҳали шаклланмаган. Бу масала бўйича бахсли жихатлар ҳам бор. Масалан: ушбу фанни ким ўқиши, мақсадга мувофиқ эканлиги хусусида.

Бугунги кунда ОАВ, хусусан телевидение маданиятини оммалаштиришнинг асосий воситаси ва манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Аммо глобаллашув жараёнлари ва унинг йўналишларидан бири бўлган оммавий маданият экспансияси таъсирида қадриятлар тизимида содир бўладиган туб ўзгаришлар инсонда муайян ўзгаришларни келтириб чиқариши, инсон ва жамият ўз маънавий –ахлоқий таянчларидан маҳрум этилиши мумкин. Шу маънода, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, “.....коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “ Оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак. Айниқса ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш , “Оммавий маданият” нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу-тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги ва ижод ахлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Нега деганда, бизнинг миллий руҳимиз ва табиатимизга ёт ва бегона бўлган ана

шундай “маданият” намуналарини фақат танқид ва инкор қилиш ёки уларни таъқиқлаш билан бирор натижага эришиб бўлмайди. Бундай хатолардан ҳаётимизни асраш , маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун , авваломбор, эзгу инсоний ғоялар ва юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маданий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда , бутун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз шарт ” Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикр мулоҳазаларида оммавий маданиятининг мазмун-моҳияти, оқибитлари ҳамда унга қарши курашининг изчил восита ва омиллари аниқ баён этилган.

Хулоса қилиб айтганимизда, бугунги глобллашув шароитида турли шаклдаги , хусусан , “оммавий маданият ” кўринишидаги мафкуравий хуружларга қарши кураш , бунинг учун “халқни-халқ, миллатни-миллат” қилиш Ўзбекистон мустақиллигини асраб авайлаш, жамиятдаги барқарорликни сақлашнинг муҳим воситасидир.¹³

Маънавиятни ҳимоя қилиш, ёт ғоялардан сақлаш учун буюк жасорат керак. Чунки унга қилинган ҳужум жангоҳлардагидек кўзга кўриниб турмайди. У аста-секин маънавиятни ич-ичидан емириб боради. Шу ўринда Президентимизнинг: “...бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат бу – маънавий жасорат,- деб жавоб берсак уйлайманки янглишмаган бўламиз... Энг қалтис ва таҳликали даврларда миллатимизга умид ва ишонч берган, уни ёвларга қарши курашга ундаган, аждодларимизни илмий кашфиётлар, ҳарбий зафарларга маърифат машъалини баланд кўтариб, жаҳолатга қарши чиқишга чорлаган беқиёс куч ҳали ҳам айнан маънавий жасорат туйғусидир ”.¹⁴

¹³ И.А.Каримов. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият”. – 2005.-15 б

¹⁴ И.А.Каримов. “юксак маънавият енгилмас куч”. – Т., 2009 й.

Хулоса

Бугунги глобллашув замонида ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун мисоли кўрилмаган даражада кураш бормоқда. Бундай кураш ҳаётнинг турли соҳаларида намоён бўлади. Бундай хатарнинг таъсирини аввало ахборот соҳасида кузатиш мумкин. Чунки бугунги кунда ахборот оқими кириб бормаган бирон-бир нукта ёки манзилни топиш қийин. Ҳатто дунёнинг энг чекка ва овлоқ жойларига ҳам теле-радио тўлқинлари, телефон алоқаси етиб борган. Қисқача айтганда, қасрдаги энергия манбаи бўлса, у ерда ахборот бор. ахборотнинг эса ҳаммаси ҳам фойдали бўлолмайди. Айниқса, турли кучлар ўртасида шафқатсиз манфаатлар кураши бораётган бир пайтда ҳар қайси ғоявий марказ ўзига маъқул бўлган, ўзича фойда келтирадиган ахборотни тарқатиш ва шунинг орқасидан фойда кўришни орзу қилади. Бугунги телерадиоканалларни бурайдиган, матбуот нашрларини, варақлайдиган бўлсангиз ёки интернет “чангалзорлари” бўйлаб “сайёҳат” қиладиган бўлсангиз, ҳеч шубҳасиз, фойдали ахборотлардан кўра, зарарли ахборотларга кўпроқ дуч келасиз. Айниқса, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшлар бу ахборотларни реал ҳақиқат сифатида қабул қилиш ёлғон ва уйдирма гапларга алданиб қолиш мумкин. Шу тариқа уларнинг ҳаёти арзимаган бир ахборот туфайли бутунлай номаъқул томонга бурилиб кетиши ҳеч гап эмас.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда ёшларнинг қалби ва онгида ахборот иммунитетини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай иммунитетни шакллантиришда аҳамияти бекиёс. Бошқача айтганда, ёш авлод вакиллари болаликдан бошлабқ нима фойдалию, нима зарарли, ёлғон нима-ю, ҳақиқат нима эканини яхши англаб олиши лозим.

Ҳозирги пайтда ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган жиддий хатолардан бири “оммавий маданият” номи билан индустриал асосда ишлаб чиқиладиган “санъат” намуналаридир. Аслида ҳақиқий санъат асаридан мутлақо йироқ бўлган, ғаразли мақсадларни кўзлайдиган айрим гуруҳларнинг

бойишига хизмат қиладиган, миллий кадриятларимизга мутлақо зид бундай маҳсулотлар инсонни ҳаётдан йироқлаштиради, руҳан қашшоқ ва муте жонзотга айлантириб қўяди. Бундай “асарлар”да беҳаёлик, зўравонлик, ур-йиқит, фирибгарлик, гиёҳвандлик, майхўрлик каби иллатлар зимдан тарғиб қилинади, ҳаётнинг маъноси шундан иборат, деган зарарли ғоя томчи-томчи тархида ёшларнинг қалби ва онгига зимдан сингдирилади. Бошқача айтганда, “оммавий маданият” ёшларнинг ҳаётини бутунлай заҳарлайди ва уларни ўз тарихи, миллий кадриятлари, ҳатто ота-онасини танимайдиган махлукқа айлантириб қўяди.

Мамлакатимиз президенти Ислом Каримов “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” рисоласида “оммавий маданият” хавфидан халқимиз, жамоатчилигимизни огоҳ этгани бежиз эмас. Чунки бундай хавф-хатарларнинг зарари бирданига кўзга ташланмайди. Балки йиллар ўтиши давомида аста-секин намоён бўла боради.

“Оммавий маданият” биринчи навбатда фойда, мўмай даромад олишни кўзлаб ҳаракат қилади. Лекин у бундай фойдани эдигина ҳаётга кириб келаётган миллионлаб покиза қалбларни заҳиралаш эвазига ортирмоқчи бўлади. Тарих шуни кўрсатадики, эркин бозор шароитида ҳамиша асл-товарлар билан бирга, харидоргир, бозори чакқон, лекин сифатсиз маҳсулотлар ҳам кўп бўлади. Бундай ҳолатни бугунги кунда бу жараён табиий оқим тусини олмоқда. Яъни “оммавий маданият”бозорида товарни туя карвонига ортиб олиб келиши шарт эмас.

У уйимиздаги, шаҳар ва қишлоғингиздаги кўпдан-кўп ахборот тармоқлари орқали сиздан рухсат сўрамасдан кириб келавреди. Биргина реклама роликлари орқали тарғиб этиладиган маданият ёки турмуш тарзи намуналарини олинг. Улар орқали гўёки эҳтиёж учун зарур оддий бир матлҳ тарғиб қилинаётгандек бўлиб кўринсада, унинг замирида бизнинг миллий ахлоқсизлигимизга тўғри келмайдиган нимадир яширинган бўлади. Ана шу

номсиз нимадир бориб-бориб, “оммавий маданият”, оммавий турмуш тарзи тамойилларини белгилайдиган кучга айланиш учун даъвогарлик қилади, бизнинг қалбимиздан миллий ўзлик туйғуси, ватан ҳиссини сиқиб чиқармоқчи бўлади.

“Оммавий маданият” га қарши курашнинг энг самарали йўли йигит-қизларимизни ёшлигидан бошлаб юксак маданий савия, дид ва фаросат эгаси, мустақил фикрлайдиган, маърифатли қилиб тарбиялашдан иборат. Ана шундай фазилатларга эга бўлган ёшлар замирида вайронкор ғоялар ёган “оммавий маданият” намуналаридан хазар қилади.

Бугунги куннинг энг даҳшатли хатарларидан бири, ҳеч шубҳасиз. Диний экстримизм ва террорчиликдир. Бу хатар ҳам, бошқа иллатлар қатори, аввало ёшлар қалбини эгаллаш, шу орқали ўз сафларини тўлдиришга ҳаракат қилади. Диний экстримизм ва террорчилик ҳам ёвуз мақсадларини турли ғоялар билан ниқобламоқчи бўлади. Улар “ислом давлати куриш”, “диний софлик”. Одамларни диний ва миллий асосда бирлаштириш деган ғоялар билан ниқланиб, дунёний ва миллий асосда бирлаштириш деган ғоялар билан ниқобланиб, дунёнинг турли минтақаларда қўпоровчилик ва қонли жинояларни амалга оширишга уринади. Энг ёмони, бу жирканч ишларнинг барчасини ёшларнинг қўли билан содир этишга тиришади.

Албатта, биз ёшлар ҳаётига қарши қаратилган замонавий хавф-хатарнинг айримларигагина тўхталиб ўтдик. Аслида бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Лекин уларнинг барчаси моҳиятан бир хил бизнинг миллий табиатимиз, кўхна қадриятларимиз, инсоний интилишларимизга зид. Шунинг учун уларга қарши жамиятимиз ҳамжихатликда кураш олиб бориши лозим. Шундагина ёш авлодимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб бояга етказишга эришамиз.

“Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобеъ қилишни истаган кучлар, аввало уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади...

зарарли таъсирлар давом этаверса, миллат ўзлигини йўқотиши, минг йиллик анъаналарини бой бериб, оломонга айланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.¹⁵

Ана шуни яхши биладиган турли мафкуравий кучлар бихни ўз тарихимиздан жудо қилиш, уни зўр бериб сохталаштиришга интилмоқда. Бу борада турли йўللardan фойдаланишга, айниқса ёшларимизни йўлдан оғдиришга ҳаракат қилмоқда.

Мамлакатимиз халқининг қалби ва онгига ёт мафкурани сингдириш учун душманларимиз бир қарашда беозор, гўё сиёсатдан холи туюладиган мафкуравий воситаларга катта эътибор бермоқда. Жумладан, кейинги йилларда кўплаб намоиш эитлаётган енгил-елпи ёки жангарилик фильмлари бунга мисол бўла олади. Маълумки, бу фильмларни кўпчилик, айниқса, ёшлар марок билан томоша қилади. Сир эмас, анчагина одамлар табиатида хулқ-атвор мана шундай тўполонларга мойиллик бўлади. Президентимиз шуни назарда тутиб, бундай деган эдиб “шунинг учун онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизликларни ўрганади, холос. Натижада уларнинг дийдаси қотади, қалбидан тошбағрлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўз ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қаҳрамонларига кўр-кўрона таҳлид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки, улар бундай уйдирма тадқинлар таъсирида қўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди. Афсуски, бизнинг телевидениямизда ҳам шундай фильмларни намоиш этишга ортиқча ружу қўйилмоқда.”¹⁶

Мамлакатимизга таҳдид солаётган мафкураий таъсирлардан яна бири узоқ давом этадиган минтақавий ва давлатлараро можароларни келтириб

¹⁵ И Каримов “Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир”.-Т.: Ўзбекистон, 2000 й.-11 б.

¹⁶ И Каримов “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт-пировард мақсадимиз.-Т.: Ўзбекистон, 2000 й.-494 б.

чиқаришга уриниш бўлиб, буни айрим мамлакатлар ҳудудида фаолият кўрсатаётган баъзи ғоявий-мафкуравий марказлар ўзларига мақсад қилиб олган. Улар муайян мамлакат ҳудудидан бошқа мамлакатга қарши гиёҳванд моддалар, таъқиқланган адабиётлар, турли қурол-яроғ каби нарсаларни ноқонуний тарзда олиб ўтишга интилмоқда. Уларнинг маълум бир кучлари Афғонистон ҳудудида туриб, Марказий Осиё давлатларига-Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудига, бу ерда яшаётган халқлар ҳаётига қарши тажовузкорона ҳаркатлар қилишга, бегуноҳ инсонлар қонини тўкишга интилмоқда. Ислом каримов таъбири билан айтганда, “Бундай ўтакетган хунрезлик, муттаҳамликни ўзига касб қилиб олган бизнинг умумий душманларимизга муқадас заминимизда асло ўрин бўлмаслиги керак”¹⁷

Бу таҳдидлар, энг аввало, оддий инсонлар қалби ва онгини забт этишга, уларни ўз миллий қадриятларидан, умумбашарий целивизация-ютуқларидан маҳрум этишга, пировард натижада юртимизни қарам қилиб олишга қаратилган тажоввузкорликнинг мафкуравий шаклида намоён бўлишидир.

Халқимизни турли ғоявий таҳдидлардан асраш, жамиятимиз аъзоларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун, аввало уларни миллий ғоя, истиқлол мафкураси билан қуроллантириш зарур эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда эски мафкура асоратларига, қуруқ сафсатавозликка, халқимиз манфаатларига зид бўлган слбик сиёсий ва мафкуравий тузилмаларга барҳам берилди. Ижтимоий адолат, хавфсизлик, ижтимоий муҳофаза, миллати, дини ва эътиқодидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини, қонуннинг устиворлигини таъминлашга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўрилди. Жамиятдаги соғлом ижтимоий-сиёсий муҳитни бузадиган, одамлар фикрини чалғитадиган нохуш ҳолатларга барҳам берилди. Мамлакат ва халқ

¹⁷ И Каримов “Эғали юрт эркини бермас //Халқ сўзи, 2000 й.-31 авг.

манфаатлари йўлида бирлашиш, ҳамжиҳат бўлиш, барча имкониятлардан эҳтиросларга берилмай, ақл идрок билан фойдаланиш йўли тutilди.

Чин ва сохта кадриятлар ўртасидаги чегарани белгилайдиган “кизил ип” тобора инжалашиб, кўринмаслашиб бoryпти. Лекин халкимиз ҳар қандай шароитда ҳам асл кадриятларига содиқ қолган ва миллат манфаатларига мос кадриятларнигина тан олган, ўзлаштирган.

"Оммавий маданият" никобидаги истилочиликка қарши курашда ўзбек халқида иммунитет мавжуд. Аммо бу таскин олдимизда турган реал хавфни менсимаслик ёхуд бемалолчиликка асос бўлолмайди. Бинобарин, Юртбошимиз таъкидлаганидек, бундай узоқни кўзлайдиган, аниқ мақсадларга эга бўлган турли хуруж ва ғаразли интилишлар, хорижий марказлар томонидан ката куч, маблағ сарфланаётган ҳаракатлар ва шу каби хавф-хатарлар бизга қандай зарарли оқибатлар олиб келишидан огоҳ, бўлишимиз даркор

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов.И.А. Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йўли.- Т.:Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов.И.А. Тарихий хотирасиз келажак йуқ...-Т.:1998.
3. Каримов.И.А. Баркамол авлод орзуси.- Т.:Шарқ,1997.
4. Каримов.И.А. Истиқлол ва маънавият. -Т.:1994 .
5. Каримов. И. А. Миллий мафкурамиз, миллатни миллат, халқни халқ қилишга хизмат қилсин. -Т.: «Тафаккур»№2. 1998.
6. Каримов.И.А. Баркамол авлод орзуси -.Т.: Шарқ, 1999.
7. Каримов.И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. -Т.: 2000.
8. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент “Ўзбекистон” 2010 йил.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. “Маънавият” 2008 йил.
10. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. “Ўзбекистон” 2005 йил.
11. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисобла-шар эди. Т. “Ўзбекисон” 2005 йил.
12. Каримов И.А. “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш”. Т. “Ўзбекис-тон” 2009 йил.

13. Каримов И.А. Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди. “Халқ сўзи” газетаси 17 май, 2005 йил.
14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарор-лик шартлари ва тараққиётлари. Т. “Ўзбекистон” 1997 йил.
15. Каримов И.А. Милий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир – Т.: “Ўзбекистон” 2000 йил.
16. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т.: “Ўзбекстон” 1998 йил.
17. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.: “Ўзбекис-тон” 2005 йил.
18. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Баркамол авлод орзуси. – Т.: “Шарқ” нашриёти – матбаа концерни. 1998 йил
19. Ўзбекистон республикасининг « Таълим тўғрисида» ги қонун. -Т.: 1997 .
20. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури».-Т.: 1997.
21. “Баркамол авлод йили” Тошкент “Ўзбекистон” 2010 йил
22. Ю.Мунавваров.АД. Педагогика.- Т.: 1996.
23. Мусурмонова.О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. -Т.: 1993.
24. Гозиев Э. Педагог психология асослари. -Т.: 1997.
25. Юсупов.Э. Маънавият асослари.-Т.:1998.

26. Гайбуллаев.Н.Р. ва бошқалар. Педагогика.Университетлар учун дастур. -Т.: 1996.
27. Гайбуллаев.Н.Р. Таълим- тарбиянинг амалий йуналиши.-Т.: 1986 .
28. .Гайбуллаев.Н.Р. Баркамоллик махсуддорлик тараққиёт калити.-Т.: 1995.
29. Ўзбек педагогика тарихи (қўлланма). проф.А.Зунунов таҳрири остида.-Т.: 1997.
30. Педагогика. Ўқув қўлланма. -Т.: 1996.
31. Педагогика курс. Лекции.- М.: 1984.
32. Педагогика (Т.А.Ильина таҳрири остида) қўлланма.-М.:1984.
33. Нишоналиев.У, Турсунов.И. Педагогика курси.—Т.: 1996.
34. Очилов.М. Университетлар тизимида педагог ходим лар тайёрлаш муаммолари. «Таълим тарбия журнаи». 6-сон.- Т.:1997.
35. Сотимбой.Х. Мунаввар қори «Мулоқат» журнаи, 1-сон.-Т.:1997.
36. С.Нишонава ва бошқалар «Педагогика тарихи»-Т.: Уцитувчи, 1996.
37. Дасанова Ҳасанбоев. Педагогика тарихи.- Т.:1997.
38. Ж.Рахимов. Ўзбекистан тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 2000.
39. О.Хасанбоева «Педагогика тарихидан хрестоматия» -Т.: Ўқитувчи, 1993.
40. С.Очилов. К.Хошимов. Ўзбек педагогикаси антологияси. (Ш-жилд)- Т.: Ўқитувчи, 1999.

41. Буюк сиймонлар алломалар /муаллифлар коллективи/ - Т.: Мерос, 1997.
42. И.Шамсиева. Тошкент Давлат Университетининг Ўрта Осиё Олий Таълим тарихида тутган ўрни. -Т.:1999.
43. Имом Бухорий. “Хадис” 4 жилдлик. Т.: қомуслар бош тахририяти. 1993 йил.
44. Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шахри” – Т.: “Адабиёт”, 1993 йил.
45. Амир Темур жаҳон тарихида ЮНЕСКО Париж, 1996 йил.
46. Абдурахимова Н., Эргашева Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. Т: “Академия”, 2002 йил.
47. Бобоев Ф., Гофуров З. Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт. Т.: “Янги аср авлоди”, 2001 йил . Буюк сиймолар, алломалар. Т.: “Маънавият”, 1995 йил.
48. Месарович М. ва Пестел Э.нинг “Инсоният ўзининг бурилиш чоррахасида” 1974 йил.
49. Тинберик Я. “Халқоро тарғиботлари қайтадан кўриб чиқиш”.
50. Муртазаева Р. Ўзбекистонда Миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. Тошкент, 2007 йил.
51. Ўзбекистонда этнотолерантлик – тинчлик гарови – Тошкент 2008 йил.
52. Ата-Мирзаев О., Гентике В., Муртазаева Р. Метнациональная толерантность в Ўзбекистане: история и современность – Тошкент, 2004 йил.

53. B. De Schutler and J.Pas, About Globalication Brucello, Univercity Precc, 2004.

54. Миллий истиқлол ғояси асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари. Масъул муҳаррир Қ. Назаров. Тошкент 2001 йил.

55. Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. Т.: Маънавият 2001 йил.

56. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: Ўзбекистон 2001 йил.

57. Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. – Т.: “Академия” 2001 йил.

58. Отамуродов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидилар – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001 йил.

59. Отамуродов С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. Т: - Янги аср авлоди. 2003 йил.

Интернет сайтлари.

1. www.bilim.uz
2. www.go.uz –Хукумат сайти
3. www.press-servise.uz – Президент сайти
4. www.edu.uz – Вазирлик сайти
5. www.ziyo.edu.uz – Вазирли сайти
6. www.performance.edu.uz– Вазирли сайти
7. www.tseu.fan.uz – ТДИУ сайти
8. www.tseu.uz– ТДИУ сайти
9. www.teuphil.narod.ru – Фалсафа сайти.

Виртуал кутубхона электрон дарсликлари ва ўқув қўлланмалари.

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.
Мултимедиа дастури. – Т.: ТДИУ, 2007 йил.
2. Маънавият асослари. Ўқув услубий мажмуа. Саифназаров И.,
Махмудов О.С., Рахматов Д. – Т.: 2006 йил.